

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot

Қаранг, бугун ўзи заррача йўқ тождор вирус ер юзидаги минглаб инсонларни қурол-яроқсиз мағлуб қилиб, ёстиғини қуритмоқда. Ўзига ишонган қудратли давлатлар ҳам кўзга кўринмас қотилнинг важоҳатидан саросимага тушиб қолаяпти. Оқибатда шаҳар ва қишлоқлар худудлари чегараланиб, миллионлаб одамлар карантинга олинмоқда. «Уйда қолинг!», деган ноода-тий гапга кўзимиз ҳам, қулоғимиз ҳам ўрганиб қолди.

PANDEMIYA BIZGA "PANDNOMA" MIKAN?

●7

Пандемия даврида атроф-муҳит, яшил табиат ва ер атмосфера-си тозаланиб бормоқда. АҚШ олимлари COVID-19 пандемия-си атмосферага карбонат ангидрид ажралиб чиқишини кескин камайтирганини аниқлашди. Бу жараён глобал исиш ва иқлим фалокатлари рўй бериши суръати пасайишига хизмат қиларкан. Ҳар куни ҳавога тарқаладиган угле-род миқдори дунё бўйича 17 миллион тоннага камайган. Атмосферанинг карбонат ангидрид билан заҳарланиш миқдори пасайиши, асосан ер усти транс-портидан фойдаланиш камай-ганлиги билан боғлиқ.



Жиноят турига қараб таҳлил қилинганда жорий йилнинг 1-ярми-да қўшмачилик қилиш, фоҳишахона сақлаш жиноятлари 38 тага. Безорилик жиноятла-ри 174 тага, фирибгар-лик 14,2 ўғрилик 11,2 гиёҳванд моддалар би-лан муомала қилиш жино-ятлари 6,2 фоизга ошгани-ни кўриш мумкин.

Bizni kim qutqarar xato yo'llardan?

●3

Qadr qimmatimizni angalayapmizmi?



Қадр-қимматни англаш ва унга амал қилиш ўзбекка хос туйғу, уни бобо ва бувиларимиздан ўрганиш лозим. Инсон хасталан-ган пайтда бошқалар олдида қадр-қиммати қанчалигини ҳис этади. Бировдан қадр-қиммат талаб қилишдан олдин ўзгаларга ўша туйғуни бера олиш лозим. Ҳаммамизга камтарлик керак. Буни катталар ҳам уқдириб келишади.

●8



●6

FARZANDINGIZ QANDAY FILM KO'RYAPTI?

– Тўғри, ҳозир пандемия даврида фарзандларимиз бўш вақтларини кўпроқ фильмлар томоша қилиш билан ўтказаяпти. Хоҳ, у телеэкранда, хоҳ интернет орқали бўлсин, бундай кўрқинчли ва зўравонлик, шафқатсизликни тарғиб қилувчи фильмлар томошасидан кейин инсон руҳиятидаги инстинкт уйғониши мумкин. Фильмлардаги зўравонликлар, айниқса, болалар ва ўсмирлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.



●12

REKLAMALAR NAZORATGA OLINADI(MI)?

Яқинда facebook ижтимо-вий тармоғида реклама тўғрисидаги бир изоҳ эътиборимни тортди. Изоҳ "Coca-cola" рекламаси ҳақида. Яъни шу ре-клама анонсида асосан, гўштли таомлар истеъмол қилинади, ичимлик эътироф этилади. Теле-визор томоша қилаётган бола-кай эса, онасига шу рекламани кўрмаслиги, гўшт егиси келаётга-нини айтади. Табиийки, боланинг руҳий зарба олишига такрорий рекламанинг "ҳиссаси" катта.

UY SHAROITIDA DAVOLANAYOTGANLARGA YORDAM KO'RSATILADI



Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида коронавирус касаллигининг кенг тарқалишини олдини олиш мақсадида жорий қилинган карантин чекловларига амал қилиш бўйича маҳаллалар орасида назоратни кучайтириш, "Уй шароитида карантинни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида услубий кўрсатма" асосида уйда карантинга олинган хонадонларни таҳлилини юритиш ва кунлик назоратга олинганларни "маҳаллабай" рўйхатини олиб бориш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги кунда коронавирус инфекцияси бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимиз аҳолиси учун ҳам жиддий хавф туғдириб, юртимизда касалликка чалиниш кўрсаткичлари тобора ўсиб бормоқда. Бу эса аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришни тақозо этади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Раҳмат Маматов тадбир аввалида мазкур тарғибот ишларида маҳалла тизими ходимларининг ўрни алоҳида эканлиги, аҳолига ҳар бир эҳтиётсизлик касалликни юқтириб олиш эҳтимолини юзага келтириши мумкинлигини қайта-қайта тушунтириб ўтиш зарурлигини қайд этиб ўтди.

Йиғилишда маҳаллаларда тўй ҳамда оилавий маросимлар, оммавий тадбирлар ўтказилмаслиги юзасидан кунлик назоратни кучайтириш,

фуқароларнинг жамоат жойларида, кўча, майдон ва маҳаллаларда уч кишидан ортқ тўпланмаслик, карантин қоидаларига қатъий риоя этиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш бўйича вазифалар таҳлилий муҳокама қилинди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўринбосари Азизбек Икромов "Уй шароитида карантинни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида услубий кўрсатма" асосида Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда олиб борилаётган таҳлилий ишлар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтди.

А. Икромов сўзи давомида маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари профилактика инспекторларидан олинган рўйхат асосида карантинга олинган хонадонлар таҳлилини юритиш ва кунлик назоратга олинганларни "маҳаллабай" рўйхатини олиб бораётганлиги, бу

рўйхатларни юритиш бўйича ички ишлар органлари таянч пунктларида "Беморларни қайд этиш китоби" ташкил қилинганлигини маълум қилди.

Таъкидланишича, услубий кўрсатмага асосан карантинга олинган хонадонни назорат қилиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ва профилактика инспекторлари ҳамкорликда иш олиб боради.

Йиғилишда, карантинга олинган фуқароларни озиқ-овқат ва бошқа тур маҳсулотлар билан доимий таъминлаб бориш, бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ва профилактика инспектори коронавирусга чалинган уй шароитида даволанаётган беморларнинг мурожаатлари асосида уларга ўз маблаглари ҳисобидан эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларини олиб беришлиги айтиб ўтилди.



VAZIYATGA ANIQLIK KIRITILDI

Давлатимиз томонидан эҳтиёжманд оилаларга ажратилган бир марталик ёрдам пулининг тарқатилиши юзасидан Сергели туманида юзага келган ҳолат бўйича ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларга муносабат.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 30.07.2020 йилдаги "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6038-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.07.2020 йилдаги тегишли Фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 29.07.2020 йилдаги 346-сонли қарорига қўра, Сергели туманидаги 1940 та эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, мазкур оилаларга 2.328.000.000 (икки миллиард уч юз йигирма саккиз миллион) сўм пул маблағи ажратиш белгиланган. Ҳозирга қадар 1.592 та оилага жами 1.592.000 (бир миллиард беш юз тўқсон икки миллион) сўм тарқатилди. Айни вақтда қолган 348 та оилага белгиланган 736.000 (етти юз ўттиз олти миллион) сўм пул маблағини тарқатиш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йил 31 июль кун ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларда тасвирланган Сергели туманидаги "Хумо" маҳалласи 2019 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига ҳудуддаги янгидан қурилган кўп қаватли уйлар киритилган. Шунингдек, янгидан қурилган 7-, 8-, 9- ва 10-қурилиш участкаларида маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилма-



ганлиги сабабли ушбу кўп қаватли уйлар вақтинча бошқариш учун "Хумо" МФЙга бириктирилган.

2020 йилнинг 31 июль кун ижтимоий тармоқларда Сергели тумани "Хумо" маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг маҳалла раисининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, уларга моддий ёрдам ажратилмаганлигига эътироз билдираётганлиги акс этган видеолар тарқалган.

Мазкур ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилганда Сергели

тумани 1-сектори таркибига кирувчи "Хумо" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан маҳалла ҳудудида яшовчи жами 44 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга 1.000.000 (бир миллион) сўмдан бир марталик моддий ёрдам пуллари

ИИО ФМБ 3-сонли ИИБ ходимлари ҳамда туман ҳокимлигининг масъул раҳбарлари томонидан ушбу фуқароларга ҳолат юзасидан профилактика тушунтириш ишлари олиб борилган.

Шунингдек, 2020 йилнинг 1 август кун тахминан 150 нафар фуқаро мазкур маҳалла фуқаролар йиғини олдига тўпланиб, уларга ҳам бир марталик ёрдам пули берилиши бўйича мурожаат қилишган.

Сергели тумани ҳокимияти масъул ходимлари томонидан мазкур фуқаролар иштирокида ўтказилган суҳбат давомида уларга моддий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхати қайтадан кўриб чиқиши, моддий ёрдам олишни истовчи фуқаролар белгиланган тартибда туман ҳокимлигига мурожаат қилишлари тушунтирилди.

Шунингдек, Сергели тумани ҳокимияти биноси ёнида тўпланган бир гуруҳ фуқароларга ҳам Тошкент шаҳар ва туман ҳокимлиги масъул раҳбарлари томонидан бир марталик ёрдам пули ажратилиш тартиби ва модий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхати қайтадан кўриб чиқилаётганлиги юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тошкент шаҳридаги барча МФЙ раислари ва профилактика инспекторлари аҳоли учун ажратилган моддий ёрдам пуллари ушбу эгаларга тўлақонли етиб боришига масъулият билан ёндошишлиги ҳамда қонунбузарликка йўл қўйган масъулларга тегишли жазо тайинланиши юзасидан яна бир бор огоҳлантирилди.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Сергели тумани

BIZNI KIM QUTQARAR XATO YO'LLARDAN?

Юртимизда пандемия бошланганига ярим йил бўлди. Бутун дунёга кутилмаганда бостириб келган бу вирусни тиббиёт ходимлари сунъий касаллик, деб баҳо берса, мусулмонлар, "Гуноҳларимиз кўпайиб кетди, шунинг учун яратган бизга синов қилиб юборди", дея қабул қилди.

Ҳақиқатан март ойининг охирларида бошланган карантин қоидаларидан сўнг кўпчилик ўз хатти-ҳаракатларини ўйлаб, яшаш тарзини тарозига солиб кўриши учун бир имконият эшиги очилди. Одамларда бир муддат бир-бирларига озор бериш, алдаш, жароҳат етказиш тингандек бўлди. Минг афсуслар бўлсинки, бу ҳолат узоқ давом этмади. "Урганган кўнгил, ўртанса кўймас", деганларидек, айрим одамлар аввалдан касбга айлантириб олган фарибгарлик, ўғрилиқ, фоҳишабозлик каби одатларини ҳамон давом эттиришмоқда.

Юқоридаги мулоҳазаларнинг исботи сифатида Олий суд мутасадди раҳбари берган хабарга кўра 2020 йилнинг биринчи ярмида қўшмачилик қилиш, фоҳишахона сақлаш, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидабини бузиш, фарибгарлик, ўғрилиқ, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари ошганини келтириб ўтиш мумкин.

Маълумотга кўра 2020 йилнинг биринчи ярми давомида 12748 нафар шахс судланган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 14733 тани ташкил қилгани жорий йилнинг 1-ярмида судланганлар сони 1985 тага ёки 13,5 фоизга камайганини кўрсатади.

Бироқ жиноят турига қараб тахлил қилинганда жорий йилнинг 1-ярмида қўшмачилик қилиш, 1 фоҳишахона сақлаш жиноятлари 38 тага. Безорилик жиноятлари 174 тага, фарибгарлик 14,2 ўғрилиқ 11,2 гиёҳванд моддалар билан муомала қилиш жиноятлари 6,2 фоизга ошганини кўриш мумкин.

ҚОИДАБУЗАРЛИК

Айни кунларда кучайтирилган карантин ҳолатида уйда ўтирибмиз. Дам олиш кунлари эса зарур бўлмаган ҳолатда одамлар ва транспорт воситаларини ҳаракатланишига чекловлар белгиланди. Аммо шунга қарамай ҳар кун йўл транспорт ҳодисаларини содир бўлаётганини ажаблантиради.

2 Тошкент шаҳар ИИББ маълумотига кўра 2020 йилнинг 1 январь кунидан 7 июлга қадар Тошкентда 320 та oilavajamiyat@mail.ru



йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган. Шулардан ўлим билан боғлиқ ҳодисалар 36 тани ташкил этади. Бунда асосий сабаб қилиб тезликни ошириш, қарама-қарши ҳаракат йўлига чиқиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш кўрсатилган.

ҚАЙСИ ЖИНОЯТ ТУРИГА КИРАДИ?

Юқорида санаб ўтилган жиноятларнинг барчасини номи бор. Аммо дунёда ўз фарзандини сотишдек қабих жиноят тури борки уни қандай ном билан аташни ҳам билмайди одам. 3 Уз фарзандини сотган аёлларнинг аксарияти пулга муҳтожлигини рўқач қилишади. Афсуски, улар ўзларини алдашади. Бу муҳтожликдан эмас, меҳрсизлик, жаҳолатдан дарақдир.

13 июл кунги ижтимоий тармоқларда берилган хабарга кўра Сурхондарёда чакалогини 10 млн. сўмга сотмоқчи бўлган аёл ушланган. Ёки 28 июл кунги Тошкентда 3 ойлик фарзандини сотаётган она қўлга олинган хабар қилинган. 21 ёшли аёл ўзининг 3 ойлик фарзандини 5 минг АҚШ долларига сотаётганида қўлга олинган. Ахир бу аёллар сотилган боласи харидор қўлида не кўйга тушишини билармикан? Бир муддат боласининг аҳволини

кўз олдига келтирармикан? Биладди, ҳаммасига ақли етади, аммо нафс курғур устунлик қилади. Нахотки, шундай синовли паллада ҳам бу аёллар гуноҳга ботишдан қўрқмаса?

ФОРИБГАРЛИК...

Узоққа бормайлик ёки ижтимоий тармоқларга мўраламайликда бу ҳолатга ўзимизни кундалик ҳаётимиздан мисол келтирайлик. 4 Куни кеча Қўйлик деҳқон бозорига тушдим. Картошқаларнинг сараси 4.500 сўм экан. Сотувчи билан нархни пасайтириш учун талашмадим. "Менга мана шу юқорига териб қўйганларингиздан 4 килограмм беринг", дедим. Телефоним жиринглаб қолгани учун бир муддат кўнгиракча жавоб бериш учун чалгиб қолдим. Қарасам сотувчи челаққа пасдан ёрилган, чириган картошқаларни соляпти. "Бу нима қилганингиз, шундай шароитда ҳам одамларни алдашдан, гуноҳга ботишдан қўрмайсизми?" десам, "Менга насиҳат қилма, хоҳласанг ол, хоҳламасанг олма!", дейди. Менга алам қилгани нима биласизми аёлнинг бу қилигини атрофдаги сотувчилар ҳам оддий қабул қилишди, ҳеч ким фикр билдирмади. Демак, тороздан уриб қолиб бировнинг

ҳақиқа кўз тикиб яшаш айрим сотувчиларнинг қон-қонига сингиб кетган. Уларни ҳеч нарса бу йўлдан қайтара олмаслиги кишига алам қилади. Бундай олибсотарлар билан харидорлар тенглашиб ўтирмай, жазаингни Оллоҳ берсин, деб кетишдан бошқа илож тополмайди. Бу аёлку бозордаги соябон тағида ўтириб, нари борса 3-4 одамни алдар, панд берад, аммо бундай юлғичли ҳолат эл озғига тушган супермаркетларда ҳам содир бўлаётганига нима дейсиз?

5 Ҳамкасбим яқинда пойтахтдаги супермаркетлардан бирига кирган ва хрен барглари билан бири килоси 200 минг сўм деб ёзилган ёзувга кўзи тушиб қолибди. Менга кўнгиракча қилиб: "Бу нимаси, ахир хрен ҳовлида ўсадиған оддий ўсимлик бўлса. Одамлар оляпти деб шунча нарх қўясизларми? Чет элдан олиб келинаётгани йўқку" деган. Йигит, "Биз оддий ишчимиз, раҳбарлар қўйиб берган нархда сотамиз", деган. Хуллас ҳамкасбим дўкон раҳбарини чақирган ва хренни истеъмол қилиш ҳамманинг соғлиғига ҳам тўғри келмаслигини, кўпчилик одамларга ёрдам бериш ўрнига ошқозондаги яраларни кучайтириб юбораётганини айтгач, дўкон раҳбари хреннинг нархини туширишга

ваъда берган.

ШУ ЎРИНДА...

Яна бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтишни жоиз деб топдим.

Ўтган ҳафтада ижтимоий тармоқларда нотаниш аёл дарс ўтаётган жараёнини телефонига суратга олаётган вақтда унга халал берган болага қўпол равишда бақиргани акс этган видеоролик тарқалиб, муҳокама ҳамда кулгуга сабаб бўлди. Халқ таълими вазирлиги ушбу роликдан сўнг интернет фойдаланувчиларига ўқитувчиларни беҳурмат қиладиган турли роликларни тайёрлаб тарқатиш ўрнига, болаларда устозга хурмат ҳиссини уйғотадиган видеоларни суратга олиш тақлифи билан чиқди. Бу ўринли тақлиф, аммо интернет фойдаланувчилари бунга амал қилишармикан?

6 Бухорода 21 ёшли қиз йигитига юборган суратлари сабабли товламачилик жўрбони бўлди. 31 ёшли Г.Б исмли аёл ўзининг 21 ёшли Ж.К исмли таниши ёқтирган йигитига шахсий фотосуратларини юборганини кўрган аёл бу ҳақда Ж.К нинг ота-онаси ва бошқаларга айтиб, шарманда қилиш билан кўрқитиб апрель ойидан 20 июлгача ундан 3700 АҚШ доллари, умумий баҳоси 20 000 000 сўм бўлган 1 дона тилла занжир, 3 дона аёллар тилла узуги ҳамда 1 дона аёллар тилла зирагини олган. У бу билан чекланиб қолмай яна 1 000 АҚШ доллари талаб қилган ва ушбу пуллардан 200 АҚШ долларини олаётган вақтида ушланган.

Хуллас бу каби жиноятлар ва кўнгилисиз воқеаларнинг барчаси пандемия даврида содир этилган. Куни кеча "Zamon" информацион дастури орқали берилган икки қўшни аёллар билан талашиб, бир-бирлари билан ёқалашгани ва бунга ички ишлар ходимлари аралашгани ҳақидаги лавҳани кўриб ёқа ушладим. Билагаи кучга тўлган йигит эса эски келишмовчилик сабабли қоровул бўлиб ишлаётган кекса қариндошини аямасдан тепкилаб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилингани ҳақидаги лавҳа эса ваҳшиликдан бошқа нарса эмас. Хуллас телевизорни ёқсанг жиноят, ижтимоий тармоққа улансанг жиноят ҳақидаги хабарлар одамни бездириб қўйди.

Биз ҳамон бировнинг хатосидан кулиб, завқланиб, буни бошқаларга ҳам улашиб яшашни қанда қилмаяпмиз. Бундай қабихликлар орқали COVID-19 деб аталмиш вирусни бўғзимизга янада қаттиқроқ ўрнашиб олишига йўл очиб беряпмиз. Қачон яхшиликларни тарғиб қилишни ва яхши инсонлардан ибрат олиб яшашни ўрганамиз? Қачонки биз ўзимизни ўзимиз тарбияламас эканмиз хатоларимиз гуноҳларимиз кўпайишига йўл очаверди. Биласек, ҳеч ким бизни хато йўллардан қутқариб қололмайди.

Нигора РАҲМОНОВА.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Кўнгли обод инсоннинг оиласи, хонадони, ҳовлисию томорқаси, кўчаси, маҳалласи, элу юрти обод бўлади. Инсон кўнглидаги ободликдан ранг олган кўчалар, маҳалла гузарларидаги гўзаллик юрт кўркига кўрк қўшади. Аслида ўзбек халқига уйининг остонасини тоза-ла, дейишнинг ўзи ноўрин туюлади. Негаки, ҳар бир ўзбек хонадони тонгни ҳовли-жойини, кўча юзини супириб-сидириб, сув селиш, мўъжазгина гул-зорига тартиб бериш билан бошлайди.



OBOD UYDA POK ODAMLAR YASHAYDI

Ободонлаштириш ва тозалаш каби хайрли ва эзгу ишлар асло мавсум танламайди. Зеро, саранжом-сариштали жойда кут-барака бўлади. Орасталлик бизнинг қон-қонимизга сингиб келадиган қадриятдир. Шу кунларда "Жонажон юртим ободлигига ўз хиссамни қўшаман" шиори остида юртимиз бўйлаб маҳаллаларда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бўка тумани марказидаги "Бунёдор" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу эзгу юмушлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Маҳаллада айни кунда 701 та хонадонда 3701 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда.

— Айни пайтда асосий эътиборимиз ободончилик ишларига қаратилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Матқурбонова. — Шу боис ҳар куни тонг сахардан кўчамакўча юриб, маҳалламизни обод этиш ҳаракатидамыз. Барча юмушларни маҳалла фаоллари ва кўчабошилар билан ҳамжиҳатликда олиб бораёмиз. Маҳалладошларимиз хонадонларини тартибга келтириб, деворларини оқлаш, дарактларга шакл бериш, ариқларни тозалаш, чиқиндиларни олиб чиқиш, камбағал оилаларнинг хонадонларини таъмирлаш ишларида ҳашарлар уюштирилмоқда.

Фаоллар билан келишган ҳолда маҳалламиздаги таъмирталаб 90 та хонадон рўйхати шакллантирилди. Уларнинг аксарияти хонадон эгалари маблағлари ҳисобига таъмирланади. Кам таъминланган оилалар рўйхатида турувчи 37 та хонадондан 5 тасини танлаб олиб, ҳомийлар ёрдамида таъмирлаб бераёмиз. Бугун биттасининг уйда сувоқчилар иш бошлашди.

Маҳалла ҳудудидида 22 та кўча бўлиб, 300 та оила янги участкалардаги хонадонларга кўчиб келишган. Бу хонадонларни инфратузилмага улаш мақсадида 2 та подстанция ўтказилди. Янги участкадаги хонадонлар суюлтирилган газ баллонлари билан узлуксиз таъминланмоқда. "Учариқ", "Мевазор", "Қатортол", "Бўстон", "Яккатут", "Кўркам" кўчаларидаги хонадонларни ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида қудуқ қазиш ишлари олиб борилди. "Учариқ", "Жомий" ва "Олмазор" кўчаларидаги 4 км. масофага асфальт ётқизиш 2020 йил дастурига киритилган.

— Тозалаш ва ободончилик ишлари билан банд қилиш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган 10 нафар фуқаромиз рўйхати банд

Х.Отақулова, М.Фахриддинова, С.Қобилов хонадонларини намунали, обод хонадонлар сифатида мисол келтирсак бўлади.

Ташаббус, тарғибот-ташвиқот ишлари куч берди, маҳалла аҳлини руҳи кўтарилди.



Қўшнилари бир-бирини кўриб, ўз хонадонларини таъмирлашга, обод қилишга киришиб кетишган. Маҳаллада томорқасидан самарали фойдаланиб, рўзғори бутлигини, хонадони ободлигини юксалтираётган оилалар ҳам бисёр. А.Хусанов хонадонидида лимонлар ўстираётган бўлса, Р.Йўлдошев иссиқхонада помидор етиштирмоқда. Ш.Рўзमतов, Б.Тошматовлар асаларчилик билан шуғулланмоқда. Яна 15 та хонадонда иссиқхоналар барпо қилиниб, мўл ҳосил етиштирилмоқда, бозорларимиз мўл-кўлчилиги, дастурхонимиз тўкин-сочинчилиги ҳисса қўшишмоқда.

— Ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз кўп, — дейди М.Матқурбонова. — Янги участкалардаги хонадонларни инфратузилмага улаш ишларини ниҳоясига етказиш, 30-40 йилдан бери асфальти янгиланмаган кўчаларимизга асфальт ётқизиш, ичимлик сув етиб бормаган кўчаларга қувурлар ўтказиш ишларини ниҳоясига етказишимиз керак.

"Бунёдор" маҳалласи аҳли ўзлари яшаб турган хонадон, кўча ва маҳалласи ҳудудини обод қилиш, хонадонларда юсак санитария маданиятини қарор топтириш мақсадида аҳил-иноқлик билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол иштирок этишмоқда.



— Ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз кўп, — дейди М.Матқурбонова. — Янги участкалардаги хонадонларни инфратузилмага улаш ишларини ниҳоясига етказиш, 30-40 йилдан бери асфальти янгиланмаган кўчаларимизга асфальт ётқизиш, ичимлик сув етиб бормаган кўчаларга қувурлар ўтказиш ишларини ниҳоясига етказишимиз керак.

ликка кўмаклашиш марказига юборилди, — дейди маҳалла раиси. — Тез кунда бу рўйхат тасдиқланса, 10 нафар маҳалла фуқаролари иш билан таъминланади ва ўз маҳалласи, кўчаси, хонадони ободлигига ҳисса қўшишади.

Маҳалладаги Э.Ғуломов, Р.Мамиров, А.Ҳамдамов, Л.Йўлдошева,

Э.АҲМЕДОВ,
Тошкент вилояти.

KAMBAĞ'ALLIKNI QISQARTIRISH IMKONIYATLARI

Мамлакатимизда сўнгги йилларда "Инсон манфаатлари – ҳамма нарсдан устун" тамойили асосида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: "Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолининг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда", дея таъкидлагандилар.

Дарҳақиқат, юқоридаги рақамлар оз эмас ва бу албатта, ҳукумат томонидан жиддий ислохотлар олиб боришни тақозо қилади. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Мурожаатномадан бир ой ўтиб, 2020 йил 28 февралда тadbиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишини ўтказдилар ҳамда ушбу йиғилишда тегишли мутасадди раҳбарларга зарур топшириқлар ва аниқ вазифаларни белгилаб бердилар.

Жумладан, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ерларда кичик саноат зоналарини ташкил



маҳалла", томорқа ҳўжалиги ва оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида ҳам бир қатор муҳтож оилаларга кўмак берилмоқда.

Мурожаатномада яна бир муҳим масала ўртага ташланган эди: "Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тadbиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир", деб алоҳида таъкидландилар.

Камбағалликнинг чегараси ва мезонларининг жаҳон амалиётида тан олинган 4 та ҳисоблаш усули Фарғона

Наманган вилоятида ҳам амалга оширилаётган бир қатор ижобий ишларни кўриш мумкин. Айниқса, Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи давомида кўздан кечирган Поп туманида барпо этилган "Нуран уз" мева-сабзавотчилик кластери фаолияти, Учқўрғон тумани Норин дарёси бўйида жойлашган ноёб балиқ турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "DB Group Eco" корхонаси, Чортоқ тумани баланд адир ҳудудида иссиқхоналар мажмуасининг барпо этилиши диққатга сазовор. Мазкур тармоқ ва корхоналарнинг ишга туширилиши янги иш ўринларини яратилишига ҳамда аҳолининг даромад манбаига айланмоқда.

Ҳўш, камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари қайсилар, камбағалликни қисқартиришнинг илмий-амалий асослари нималардан иборат?

Энг аввало, айрим хорижий мамлакатларда ушбу муаммони ҳал этиш қандай йўлга қўйилганлигига бир на-

ланди. Бу борада тadbиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этиш таклифи гоят катта аҳамиятга эга. Бу зоналарда зарур инфратузилма яратиш учун бюджетдан катта маблағлар ажратилиши белгиланди.

Президентимиз маърузаларидан ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

– Биринчи навбатда аҳолининг молиявий-тadbиркорлик саводхонлигини ошириш, иқтисодий билим ва кўникмаларини янада кенгайтириш, аҳолини кичик бизнес ва тadbиркорликка кенг жалб қилиш, эркин рақобат муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш;

– аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида доимий иш ўрнини қайта тиклаш, янги доимий ва мавсумий иш ўринларини яратиш;

– давлат гранти ҳисобига тахсил олган талабаларни 3 йил муддатга камбағаллик даражаси юқори бўлган ҳудудларга меҳнат фаолияти учун йўналтириш тизимини татбиқ этиш;

– банк тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш йўналишида давлат улушига эга бўлган банкларда трансформация жараёнларини изчиллик билан амалга ошириш ва анти-инфляцияцион сиёсат билан уйғунлашган фоиз ставкаларини тушириш бўйича аниқ механизмни жорий этиш;

– саноат тармоқларида кооперацияни ривожлантириш ва тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш яхлит занжирини яратиш;

– экспорт салоҳиятини ошириш



этиш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳолини тadbиркорликка ўргатиш ва касбий малакасани ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала қилиб қўйилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тadbиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги ҳарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тadbиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди. Шунингдек, Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилди.

Қўрилган зарур чора-тадбирлар натижасида юртимизда "Ҳар бир оила – тadbиркор", "Обод қишлоқ", "Обод oilavajamiat@mail.ru

вилоятининг Тошлоқ тумани мисолида синовдан ўтказилиши белгиланди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш, жумладан вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали 18 минг камбағал аҳолини бандлигини таъминлаш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам камбағалликни камайтириш бўйича имкониятлар талайгина. Биринчи ярим йилликда 38 минг гектар ерни оборотга киритиш ҳисобига 25 минг нафар, йил якунига қадар яна қўшимча 51 минг гектарни ўзлаштириш ҳисобига 45 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Худди шунингдек, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш, чорвачиликда насли эчкичилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик каби соҳаларни ҳам ривожлантириш қўзда тутилган.



зар ташласак. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий жиҳатдан бақувват ривожланган мамлакатларда ҳам аҳолининг камбағал қатлами бўлиши, яъни жамиятда моддий жиҳатдан табақаланиш ҳолати кузатилиши мумкин. Иқтисодий ўсиш суръати юқори бўлиб, аҳолисининг камбағаллик даражаси ўзгармайдиган мамлакатлар ҳам топилди. Бу одатда аҳолиси тез кўпайиб, иқтисодий ўсиш фақат айрим соҳаларда бўлаётган давлатларда кузатилади. Бой мамлакатлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириб, масалани маълум даражада ечиши мумкин. Бироқ бу масаланинг тўлиқ ечим эмас.

Ақсарият ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш камбағалликни камайтиришда энг муҳим омил ҳисобланади. Юртимизда ҳам юқоридagi тажрибадан келиб чиқиб, аҳолини тadbиркорликка ўргатиш, касбий малакасани ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала сифатида белги-

ва валюта тушумларини таъминлаш, бу борада экспортёр корхоналарга кўмаклашиш фаолиятини жадаллаштириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган устувор йўналишлар бўйича комплекс чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши натижасида, жаҳон иқтисодиётида глобал инқирознинг тобора чуқурлашиб бориши шароитида миллий иқтисодиётимизни жорий йил якунлари бўйича барқарор ўсишини таъминлашга ва кейинги йилларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллаштириш бўйича камбағалликни камайтириш чора-тадбирларни ҳам қамраб олади.

Мирзохид БЕКМИРЗАЕВ,
Наманган муҳандислик-технология институти
енгил саноат технологияси
факультети декан ўринбосари.

Nega bizda tomoshabop MULTFILMLAR yo'q!?

Болагимиздан бўри ва кўн ҳақидаги “Сеними, шошмай тур!”, мушук ва сичқон ҳақидаги “Том ва Жерри” мультфильмларини томоша қилиб катта бўлганмиз. Биронта мультфильмни экран қаршисидан кетмасдан маза қилиб томоша қилганимни эслай олмайман. Хотирамда фақат ўша кўнни қувлаб юрган бўри ва сичқон овлаб юрган мушук қолиб кетган.

Бугун эса фарзандларимиз хоҳлаган мавзуларида мультфильмлар кўришлари мумкин! Хоҳ телевизор бўлсин, хоҳ интернет, улар ўзлари истаган мультфильмларни томоша қиладилар. Аянчлиси, улар ўзбек эмас, хориж мультфильмларини севиб кўришади. Улардан тарбия олишади. Наҳотки, бизда миллийлигимизга хос болалар фильмларини ишлаб чиқариш оқсаётган бўлса! Санъатда энг кўп танқидга учрайдиган соҳа бу – кино! Аммо ўзбек мультфильмларига бўлган талаб ва танқид ҳам кучайгандан кучайиб бормоқда.

Анимацион фильмларни ривожлантириш мақсадида қўйилган энг биринчи қадам бу “Мультпликацион фильмлар студияси” ДУК ташкил этилгани бўлди. Лекин фаолият шу “қадам” билан бошланиб, шу “қадам” билан тўхтади, назаримда. Кинола-



римизда бўлгани каби мультфильмларимизда ҳам катта камчилик ва муаммолар мавжуд. Нима учун “Ўзбек киноси” ёки “Ўзбек мультфильми” деб гапирмаяпман!? Чунки юртимизда суратга олинган ҳар бир кинофильм, ишлаб чиқарилаётган мультфильмлар бизники, фарзандларимизники бўлиши керак!

**Бола -
римиз “Қизалоқ
ва Маймоқ” ни кўриб
катта бўлишяпти! Мультфильм қаҳрамони Машага тақлид қилиб, катталарга “сиз” эмас “сен” деб мурожаат қилишмоқда. Тарбияда мультфильмларнинг ҳам ўрни муҳим!**

Болаларимиз “Қизалоқ ва Маймоқ” ни кўриб катта бўлишяпти! Мультфильм қаҳрамони Машага тақлид қилиб, катталарга “сиз” эмас “сен” деб мурожаат қилишмоқда. Тарбияда мультфильмларнинг ҳам ўрни муҳим! Бола қандай анимацион фильминики томоша қилса, маънавий озуқани ҳам шундан олади. Биз кат-

талар фарзандларимизни мажбурлаб, таъқиқ қўя олмаймиз, танловини ҳам ўзгартиришга ҳаққимиз йўқ! Шундай экан, гоёси мустаҳкам, тарбиявий аҳамиятга молик болалар мультфильмларини кўлайтириш керак.

Бошқа хориж давлатлари томошаболалар фильмлари билан гурурланиб юрганда, биз ягона “Зумрад ва Қиммат” мультфильмидан нарига ўта олмаймиз. Буюк тарихига эга миллат учун бу жуда шармандали ҳолат, менимча! Киноларимиздаку майли, гапириб-гапириб, танқид қилавериб, кўп эмас, оз бўлса-да яхши томонга ўзгариш бўляпти. Аммо мультфильм, ўзбек мультфильмлари бунақа савияда бўлмаслиги шарт! Кино сингари биз, анимацион фильмларимизнинг ҳам аудиториясини йўқотиб қўяпмиз. Хориж давлатининг энг зўр киносиники кўрган томошабин ўзбек киносиники кўрмай қўяди. Буни эса кичик томошабинларимиз ҳам яхши англайди. Фикримча, улар севиб томоша қиладиган мультфильмлар яратишга кеч қолдик! Энди бу аудиторияни “қайтариб” олиш учун ҳаракат қилиш керак. Анимацион фильмлар устида иш олиб бораётган мутахассислар кичик томошабинларимизнинг қалбини кўра билиши, уларга нима ёқинини англаши, энг муҳими, уларнинг фикри билан қизиқиши лозим. Томошабин қалбини кўра олмаслик режиссёр учун катта йўқотиш. Мана шундай йўқотишлар давомли бўлмаслиги учун ҳам ижодкорлар мультпликацион фильмлар устида изланишни тўхтатмагани маъқул.

Нилуфар МУРОДОВА,
журналист.

FARZANDINGIZ QANDAY FILM KO'RYAPTI?

Оқил ва одобли фарзанд – ота-онанинг фахри, жамиятнинг бойлиги. Инсоният пайдо бўлибдики, фарзанд тарбияси энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳар қандай жамият, тузумда келажак авлод тарбияси, истиқболли бирламчи вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кун болалари тарбияни ота-она, ўқитувчи, газета, журнал, китоблардан эмас, балки телефону телевидениедаги аллақандай сериаллару кино, мультфильмлардан олаётгани сир эмас. Фильмларнинг инсон онгига ижобий тарафлари ҳам бисёр бўлган бир пайтда “парда орти”да салбий тарафлари ҳам талайгина бўлиши мумкин, десак, хато қилмаган бўламиз. Сабаби, сиз кинони кўриб ўтирар экансиз, унинг умумий маъносини тушунишдан ташқари, ботиний маъно ҳам касб этишини ҳатто кўпчилигимиз тасаввур қилмаймиз ҳам.

Хўш, бугун зангори экранларда болалар учун берилаётган кинолар, мультфильмлар талаб даражасидами? Улар фарзандларимиз маънавиятига ижобий таъсир уйғота оляптими? Яқинда хусусий телеканаллардан бирида болаларбоп киноролиқни кўриб қолдим. У ердаги қаҳрамонлар кўрқинчли ва ёвузлик тимсоли эдики, болаларни кўйинг, ҳатто катта ёшдагилар ҳам бир чўчиб тушиши табиий.

Тарбиявий моҳияти жиҳатидан ўта савиясиз бўлган киноларни айнан


тарбияси эндигина шаклланаётган болалар, ўсмирлар ва вояга етмаганлар телевизор кўрадиган вақтда бериб борилиши, уларнинг онгига, дунёқаршига жиддий таъсир ўтказиши мумкин эмасми?

Шунингдек, болалар кўриши учун мўлжалланган Европа эртаклари, бадиий образи асосида тайёрланган “Мерлин”, “Изтопар”, “Жодугарлар овчиси”, “Жодугарлар изидан”, “Троллар салтанати саргузаштлари” каби сериаллар, киноларда сеҳр-жодуни тарғиб қилиниши мақсадга жуда осонлик билан эришиши, бойликка хирс қўйиш каби ўзида зарарли таассуротлар қолдирадиги, бу нарсалар диний эътиқодимизга, маънавиятимизга, менталитетимизга зид қарашлар ҳисобланади. Шунингдек, турли қотиллик, зўравонлик, қонли тўқнашув, отишма, ўғирлик билан боғлиқ воқеалардан сюжетланган фильмлар бугунги ёш авлодга таъсир ўтказмайди деб ким кафолат беради.

Бу борда психолог Шоира Исақованинг фикрлари билан қизиқдик.

– Тўғри, ҳозир пандемия даврида фарзандларимиз бўш вақтларини кўпроқ фильмлар томоша қилиш билан ўтказяпти. Хоҳ, у телеэкранда, хоҳ интернет орқали бўлсин, бундай кўрқинчли ва зўравонлик, шафқатсизлиқни тарғиб қилувчи фильмлар томошасидан кейин инсон руҳиятидаги инстинкт уйғониши мумкин. Фильмлардаги зўравонликлар, айниқса, болалар ва ўсмирлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Кўрқув катта механизм ҳисобланади, болаларда кўрқув бўлиши табиий ва нормал ҳодиса. Бу ўзини ўзи ҳимоялаш



усулининг пайдо бўлишидир. Бироқ вақт ўтгани сайин боланинг фобиялари ошиб борар экан, унинг кўрқувни бизни ҳам кўрқитиши мумкин. Кўрқув болаларнинг нафақат маънан, балки жисмонан ривожланишига ҳам таъсир этиб, мустақил бирор ишни қила олмайдиган, қилган тақдирда эса кимдир доимий рағбатлантириб туриши керак бўлади. Кўрқувнинг бу тури нафақат кўрқинчли эртаклар, балки дахшатли фильмлар оқибатида ҳам тўғилади. Турли каналлар орқали қисқа метражли роликлар айланиб юради. Уларда доимо тўполонлар, ур-йиқитлар,

пичоқбозликлар... Боланинг шуурига томчилаб кириб борган бузғунчилик гоёлари, ур-йиқитлар вақти келиб, жаҳли чиққанида ўз характерида бўй кўрсатади. Баъзан бу фожиага ҳам олиб келиши мумкин. Ваҳима, кўрқув психосоматик эндокринологик касалликлар, болалар неврози, депрессия каби касалликлар келтириб чиқариш билан бирга уйқунинг бузилиши, иштаханнинг пайсийишига олиб келади. Баъзи болалар одамови, айримлари эса шавқатсизликка мойил бўлиб вояга етанди. Кўпчилик болаларни ўзи шундай фильмларни кўришни истаб қолади. Бундай пайтда ота-оналардан катта маъсулият талаб қилинади. Улар фарзанди томоша қиладиган фильмларини назоратга олиб, ҳатто ўзлари саралаб, танлаб беришлари керак.

Америкалик болалар шифокори Ари Броун болаларга телевизордан фойдаланишни умуман тақиқлашни тавсия этади. Унинг фикрича, уч ёшдан кичик гўдакларга мўлжалланган турли дастурлар болани телевизор ёнига “михлаб” қўяди. Оқибатда, боланинг кўзига зиён етказиши, гаплашишни деярли унутади. Шу боис бу ёшдаги болаларни ўқитиш ярамайди. Чунки улар бунга ҳали тўла тушуниб етмайди, дейди шифокор.

Болалар бизнинг келажакимиз. Агар ўз вақтида ахлоқсизлик, зўравонликларни тарғиб қилувчи фильм, кўрсатувлар тўхтатилмас экан, у ҳолда болаларнинг порлоқ келажакига раҳна солиниши мумкин. Ушбу масалаларда ота-оналар, тарбиячилар ва телевидениега маъсул бўлган шахслар бош қотириши зарур.

Чапос ДҲҲМАТОВА.

oilavajamiyat@mail.ru

PANDEMIYA BIZGA "PANDNOMA" MIKAN?

Қаранг, бугун ўзи заррача йўқ тождор вирус ер юзидаги минглаб инсонларни қурол-яроқсиз мағлуб қилиб, ёстиғини қуритмоқда. Ўзига ишонган қудратли давлатлар ҳам кўзга кўринмас қотилнинг важоҳатидан саросимага тушиб қоляпти. Оқибатда шаҳар ва қишлоқлар ҳудудлари чегараланиб, миллионлаб одамлар карантинга олинмоқда. «Уйда қолинг!», деган ноодатий гапга кўзимиз ҳам, қулоғимиз ҳам ўрганиб қолди.

Бутун дунёни алғов-далғов қилаётган бу бало ортидан келаётган зарарнинг чек-чегараси йўқлигини билиб турибмиз. Бироқ унинг «фойдали» жиҳатлари ҳам бўлиши мумкинми? Агар бўлса, у нималарга акс этмоқда?

Табиат яшил либосини кийиб олган. Бир-биридан ғарқ пишган меваларнинг хушбўй ҳиди димоғни қитқилайди. Қушларнинг шодон чўғур-чўғури қулоққа хуш ёқади. Атроф бирам зебо. Уйга киргим келмайди. На илож, йўлим қисқа. Уйга кириш керак, карантин! Уйим томон қайрилар эканман, юрагимда бир орқиқиш ўтади. "Эҳ, табиат кўйида эмин-эркин сайр қилиб юриш ҳам бизга Аллоҳдан иноят экан, билмаган эканмиз..."

Йулақда қўшнимни учратиб қолдим. Шошибгина ҳол-аҳвол сўрашдик. Бироқ кўп гапларимиз айтилмай қолиб кетди, ажралишдик. Биламиз, мумкин эмас. Карантин! Бир-биримизга интилганча, эшикларимизни ёпдик. Шунда мулоқот, дўстлар билан дилдан суҳбат ҳам Аллоҳдан бизга берилган улуғ неъмат эканлигини ҳис қилдим. Афсус, қадрини билмабмиз...

Бир ой меҳнат таътили, бир ой ўз ҳисобимиздан таътил олиб уйда ўтирдик. Тўғриси, ишни, ҳамкасбларимизни, иш жойимизни соғиндик. Бир куни ногаҳон телефон кўнғироғи жиринглади ва эртага ишга чиқишимни айтишди. Гўшақни кўяр эканман, мендан бахтли инсон йўқ эди. Шу пайт эшиқдан кириб келган ўғлимдан суюнчи олдим: «Болам, мени

табриклар! Эртага ишга чиқарканман». Тавба, ишлаш ҳам, жамият орасида юриш ҳам бахт экан....

Карантиндан кейинги биринчи иш куни. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Ишчи-ҳодимлар бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашади, янгиликлар билан ўртоқлашади. Бир-бирини табриклашмоқда. Бир бўлимнинг бошлиғи ходимларини катта торт билан кутиб олди. Демак, бир жамоада ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб ишлаб юриш ҳам улуғ бир неъмат экан...



Салима ХОЛДОРОВА,
Навоий кон-металлургия ком-
бинати музейи раҳбари.

Буни ҳар бир фуқаро англаб етмас экан, у янада кескинла- шиб бораверади!

Республикамизда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ вазият таҳликали тус олди. Пандемиянинг навбатдаги тўлқини барчамизни янада хушёр, эҳтиёткор ва тартибли бўлишимизни такозо этмоқда. Чунки ҳар куни юзлаб юртдошларимиз ўзига касалликни юқтириб олмоқдалар. Бу касаллик оқибатида ўлим ҳам «ёшариб бормоқда», 50, 43, 35 ва ҳатто, 28 ёшли инсонлар коронавирусга чалиниш натижасида ҳаётдан кўз юмди.

Ижтимоий тармоқларда тарқалган маълумотларга қараганда, июль ойининг биринчи ҳафтасида карантин талабларининг юмшатилиши натижасида коронавирус билан касалланганлар сони 2167 кишига кўпайди. Шулардан 1267 (58 фоиз) ҳолат аҳоли орасида аниқланган. Агар май ойида кунлик ўртача 51 та ҳолатда касаллик қайд этилган бўлса, июнь ойида бу

Vaziyat tahlikali

кўрсаткич 163 ни ташкил этди. Июль ойининг бошидан бошлаб кунига ўртача 324 тадан вирус билан касалланиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Мутахассислар мамлакатимизда коронавирусларнинг навбатдаги тўлқини кузатилаётгани, соғлиқни сақлаш тизими томонидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг ўзига етарли эмаслиги, касалликнинг аҳоли орасида тарқалиши кўпайиб бораверар экан, беморларни ўз вақтида даволаш ва асраб қолишда жиддий муаммоларга дуч келишимиз мумкинлигини таъкидлашмоқда. Тиббиёт муассасаларида оғир аҳволдаги беморлар ҳолати ҳақида видеотасвирлар омма эътиборига ҳавола этиляпти. Касаллик тарқалиши ва ўлим ҳолатлари билан боғлиқ маълумотлар ҳам ошқора айтилмоқда. Вазият чиндан ҳам таҳликали, аммо биз бундан хушёр тортияпмизми?

Афсуски, ҳа деб айтолмаймиз. Мамлакатимизда шу йил 10 июлдан бошлаб 15 августга навбатдаги кучайтирилган карантин тартиб-қоидалари жорий қилинганга қарамай, кўча-кўйда, савдо дўконларида, жамоат жойларида бемақсад юрган фуқароларни учратя-миз. Тиббий ниқобдан фойдаланиш, уйда қолиш гўёки уларнинг жонига теккан. Аммо шу аниқки, оиласидан кимдир касалликни юқтириб олса, Худо кўрсатмасин, бунинг оқибатида ёруғ оламни тарқ этса, ўша инсон ўзини эмас, балки тиббиёт ходимларини, ўзгаларни айблаши, шубҳасиз.

Ҳукуматимиз томонидан пандемия даврида аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг янги тартиб-тамоийллари ҳаётага татбиқ этилди, чора-тадбирлар ишлаб чиқилляпти. Ҳокимликлар, масъул идоралар,

Ижтимоий тармоқларда бир блогер 30 кишилик тўйнинг афзалликлари ҳақида ёзиб, ушбу тартиб-қоида ўн йилга узайтирилса юртимизда камбағалликни тугатиш бўйича олиб-борилаётган саяёҳаракатлар осонроқ кечиши, одамлар ўзларини анча тиклаб олишлари мумкинлиги ҳақида фикр билдирибди. Чиройли таклиф! Ахир тўғри-да, одамлар йиллаб йиғган маблағларини бир кечада совуриб юборишлари ақлга сиғмайдиган иш. Оналар ва болалар камқон, рўзгор юпун, зарур маиший буюмлар етарли эмас, бироқ, 400-500 кишилик тўйга шароит бор, йўқ бўлса, йўндирамыз. Қарзга ботиб бўлса ҳам «эл олдидан ўтамиз».

Бугун элнинг ўзи 30 кишилик тўйга рози. Ихчамгина, камхарж тўйлар бўляпти. Энг қизиғи, одамларга тартиб-қоида маъқул келиб, тезроқ тўйларни ўтказиб олиш тараддудига тушиб қолишди. Танишларим орасида «Қанийди келин топила қолса, тезда тушириб олардим», дегувчилар бор. Етишмовчилик сабаб тўйни келаси йилга қўйган бир опамиз, имкониятдан фойдаланиб олди. Бу ишни пандемиянинг халқимизга «фойдаси» дейиш мумкин!

Бироқ мана шундай синовли кунларда одамларнинг маънавияти, дунёқарши биллини қоляпти. Кеча бир аёл гапириб қолди. Қўшниси ўғлини қишда бир қизга унаштириб қўйган экан. Энди белгиланган вақтда келинни тушириб олайлик, деса қиз тушмагур катта тўй бўлмаса турмушга чиқмайман, деб оёқ тираб олганмиш. Шу гап сабаб, орага совуқчилик тушиб, «фотиҳа» бузилибди. Афсус...

Пандемия даврида атроф-муҳит, яшил табиат ва ер атмосфераси тозаланиб бормоқда. АҚШ олимлари COVID-19 пандемияси атмосферага карбонат ангидрид ажралиб чиқишини кескин камайтирганини аниқлашди. Бу жараён глобал исийш ва иқлим фалокатлари рўй бериши суръати пасайишига хизмат қиларкан. Ҳар куни ҳавога тарқаладиган углерод микдори дунё бўйича 17 миллион тоннага камайган. Атмосферанинг карбонат ангидрид билан заҳарланиш микдори пасайиши, асосан ер усти транспортдан фойдаланиш камайганлиги билан боғлиқ.

Хуллас, кундалик ҳаётимизда мана шундай ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани роста. Асосийси ислом дунёси ўн тўрт аср илгари буюрган поклик, покизалик ва тозаллик каби гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишга ўтдик, муқаддас китоблар қироати кўпайди, каттаю-кичик қиблага юзланди, китоб жавонлари очилди, чанг бўлиб қалашиб ётган китобларнинг раҳлари бузилди, мутолаа авж олди. Оталар болаларга, болалар оталарга боғланди, оналар бутун борлигини оиласига берди. Дастурхон атрофида оила жамулжам бўлди.

Хуллас, мана шулар ҳақида обдон фикр юришиб, ростдан ҳам пандемия ҳақидан ошиб кетган одамзодга Аллоҳдан юборилган «панднома» салмикан?!

QADR QIMMATIMIZNI ANGLAYAPMIZMI?

Инсон қадр-қимматини билмасдан туриб маънавий бойликка эришолмайди. Ўзгаларни қадр-қимматини ҳурмат қилмаса инсонпарварлик туйғуси ҳақоратланади. Агар одам пулсиз, уйсиз, ер-мулксиз қолса садқаи сар – буларнинг ҳаммаси унга тегишли эмас. Инсоннинг ўз ҳақиқий мулки – инсоний қадр-қимматини йўқотиши эса жуда ачинарлидир.

Бобом раҳматлининг “хали мен бўлмасам қадрим шундай билинадики...” – деган сўзларини бот-бот эсламан. Бобомни йўқотганимиздан кейин бу туйғунни юракдан ҳис этдим. Биз яқинларимизни борида қадрлаш ҳақида вақтлроқ ўйлашимиз керак. Бобом яна бизларга “сувга туфлама”, “дарахт новдасини синдирма”, “нон ушоғини ерга ташлама”, “қуш инини бузма ёмон бўлади, ўзингдан каттани ҳурмат қил, аввал салом бер, ёлгон гапирма, меҳнатдан қочма” – деб кўп уқтирдилар. Бу билан бизларни болалигимиздан она табиатга меҳр уйғотар, инсонларга оқибатли бўлишни ўргатар эди. Момом раҳматли бўлса биз на-бираларни жуда эрта ишга солганлар. Ўзлари қўлимиздан тутиб уй юмушларини, хамир қоришни, чучваралар тугишни, ҳовли супуришни, муомалани ўргатганлар.

Болалик ҳақида ўйласам руҳим энгил тортади. Нима боболаримиз, момоларимиз ўзлари билан покликни, осудаликни, гўзал инсоний фазилатларни олиб кетдимикан? Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Одамлар турмуш ташвишлари билан банд бўлиб оддийгина инсоний фазилатлар ҳақида ўйлашга вақт ҳам тополмай қоляпти. Биргина мисол, баъзан ён кўшнининг ким эканлигини билмай-миз. Иссиқ жон, баъзида ўзимиз хасталаниб ёрдам керак бўлиб қолганда кимникига чиқишни ҳам ўйлаб қоладиган ҳолатларимиз бўлади. Бу даҳшат-ку. Қариндошлар билан бирга кўшнилари қадр-қимматини ҳам ўрнига қўйиш биз учун фарз деб биламан. Қишлоқда ён кўшнимиз Зулфизархон хола бўларди. У киши оламдан ўтганига анча йиллар бўлди, лекин бутун кўшнилари деярли кун ора шу инсонни руҳини шод этадилар. Чунки хола ўша пайтда қишлоқнинг энг кексаси бўлиб ким касал бўлса, кимни келини кўзи ёрса, қизи аразлаб келса, эр-хотин урушса танбех берар, тўғри йўл кўрсатар, яраштирар эди. Холанинг чўнтагида доим курт ёки конфет бўлар, болалар у кишини кўриши билан чопқиллаб борарди. Холанинг яна бир яхши одати, умр омонат, одам ганимат, бир-биримизни тириклигимизда асрайлик – дея бир коса ёвғонми, тўрт дона олма ёки икки дона нон, бир пиёла қатиқ бўлса ҳам доим кўшнилари дийдорига ошқар эди. Мен холани “Суюнчи” фильмидаги Анзират холага ўхшатардим. Чунки хола ҳам назаримда кишлоғимизнинг виждони эди. Бугун эса кишлоғимда Зулфизар холага ўхшаб бир-бирларини йўқлаб турадиганлар тобора камайиб бора-ляпти. Ахир ана шу йўқловлар, хол сўрашлар, қадрдонлар дийдори инсонийликнинг қадр дарвозаси, меҳрининг

хоқисор кўриниши, оқибатнинг гўзал сифати эканлигини англамайдимми? Халқимизда “қўшнинг тинч сен тинч”, “Гилам сотсанг қўшнингга сот бир четида ўзинг ўтирасан”,



“Қўшничилик минг йилчилик”, деган ибратли гаплар бор. Булар ўйлаб топилган эмас бу ҳаётини ҳақиқатлар. Чунки ота-боболаримиз шундай ибратли ҳаёт кечирган, бугун ота-оналаримиз уни давом эттирмоғи, эртага фарзандлар кўшничиликнинг одобини асрамоғи лозим эмасми? Шу тариқа бу гўзал аъёна авлоддан-авлодга ўтади. Агар катталар бу борада эътиборли бўлсалар, буни шаҳар-қишлоққа ажратмай ҳамма жойда ардоқлаш мумкин. Зотан, яхши кўшни ҳаётимизни яхшиликларга безайди.

Қадр-қимматни англаш ва унга амал қилиш ўзбекка хос туйғу, уни бобо ва бувларимиздан ўрганиш лозим. Инсон хасталанган пайтда бошқалар олдида қадр-қиммати қанчалигини ҳис этади. Бировдан қадр-қиммат талаб қилишдан олдин ўзгаларга ўша туйғунни бера олиш лозим. Ҳаммамизга камтарлик керак. Буни катталар ҳам уқдириб келишади.

Бировдан қадр-қиммат талаб қилишдан олдин ўзгаларга ўша туйғунни бера олиш лозим. Ҳаммамизга камтарлик керак. Буни катталар ҳам уқдириб келишади. Лекин керагидан ортиғи ҳам инсон қадрини ерга уриши мумкин, деган қарашлар ҳам бор. Мен бу фикрга қаршиман. Агар инсон маънавиятли бўлса у камтарликни ҳар қандай кўринишини қадрлай олади. Тўғри, даврнинг шиддаткор оқими бугун бизларни ўзанига тортиб кетган. Рўзгор деб аталмиш юҳонинг кўринмас иллари бизларни шу қадар боғлаб ташлагани, атрофга боқиб ҳамма нарса ғанимат

нёга не учун келдинг, ўзингни арзон-гаров сотмагайсан, илло сенинг баҳойинг баланддир” – дейди Румий ҳазратлари. Дарҳақиқат, бу дунёда инсон қадри баланд, иқболи улғудир.

Агар одам ўз қадрини яхши билса саломатлигини ҳам асраган бўлади. Биз ўзимиз учун зарур бўлган нарсани авайлашга, асрашга ҳаракат қиламиз. Лекин ўтаётган вақтимиз, умримизнинг қадрига етязимизми? Вақт бизнинг қўлимизда экан, унинг бекор ўтказилганлигига фақат ўзимизнигина айблашимиз мумкин. Гарчи одамлар ҳаётининг давомийлиги ҳар хил бўлсада, аммо барчамиз учун бир сутка 24 соатдан иборат. Ва бу соатлардан қандай фойдаланиш ўзимизнинг қўлимизда. Албатта, ҳаммамизнинг имконияти ҳар хил, аммо асосий аниқловчи – бу вақт ва у ҳаммамизга бир хил берилган. Турмуш ташвишлари кўринмас ип каби бизларни шу қадар ўраб ташлагани, темир йўл изларига ўхшаган бир хил ҳаёт иш – уй, уй – иш бўлиб бир-бирига чирмашиб кетган. Ҳатто энг яқинларимизнида ҳолидан хабар олишга вақт тополмаймиз.

“Акамни кўрмаганимга бир йил бўлибди”, “ота-онамни кўрмаганимга олти ойдан ошди”, “синглим билан қачон кўришганимни эслолмайман” – дея оддийгина ҳасрат қилиб қўя қоламиз. Ваҳоланки, бу аслида бизнинг фожеамиз эмасми? Вақтнинг етишмаслигидан шикоят қиламиз, аммо ўша вақт тақсимланаётганда лоқайд бўламиз. Қанчалаб вақтни телевизор қаршида ўтказамиз, қанчасини беҳуда сафсата сотиш билан яна қанчасини уйқуда, қанчасини гийбат-у миш-миш билан. Агар бемор бўлсак саломатлик қадрини биламиз, кексалар ёшликнинг неъматини ҳақида гапирдилар, ёшлар муҳаббатини алқайдилар. Аммо ўтиб бораётган умримиз мезониде топиб бўлмас вақтнинг қадрини ёдга олмаймиз.

Атрофимизда неки бор барчаси азиз. Табиатни қадрлаш, нонни увол қилмаслик, пешона тери билан топиладан даромадни ўрнида билиб сарф этиш ҳам аслида қадр туйғусининг бир кўриниши-ку?

Афлотундан сўрадилар: – дунёда ҳамма нарсадан юқори ҳисобланган ва ҳеч қачон вайрон бўлмайдиган нарсани нима?

Афлотун жавоб берди: – Меҳр ҳамма нарсадан устун ҳисобланади. Қадр-қиммат ила бунёд бўлган бино ҳеч қачон вайрон бўлмайди.

Инсон меҳри билан борлиқни яшнатади, меҳр билан фарзандлар улғайтиради, яқинларининг қадрига етиб яшашни улғулайди, ота-она ганиматлигини, уларни ўз вақтида қадрлаш лозимлигини англайди. Меҳр-оқибат, қадр-қиммат инсонийликнинг улғу фазилатларидан саналади. Ушбу фазилатлар инсоннинг одамийлигини акс эттиради. Илоҳим, орамиздан қадр-қиммат кўтарилмасин.

Феруза ОРИПОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази бош
мутахассиси.

YORUG' TONGLAR OTAJAK...

Бугун ёғиб ўтган ёмғир борлиқдаги гўборни ювиб, ерининг тафти сезилди. Кетидан кулиб чиққан камалак эса дилчимизни хушлади. Ёмғирни томоша қила туриб ўйга бериласан киши. Қани энди, бутун дунёни эгаллаган ўша тождор вирусни ҳам ювиб кетгучи ёмғир ёғса, камалакдек ранг-баранг аввалги кунларимиз, турмуш тарзимиз кулиб қайтса! Болалигимизда шундай мультфильм бўлардики, ҳамма истаган ёмғирини тилайди. Куёнга сабзи ёмғири, қарғага пишлоқли ёмғир! Эҳ, ҳаётда болаликдаги мўъжизалар ўй

берса эди?! Шу тобда қандай ёмғир сўрардингиз?

Гумбурлаётган момақалдиқроқ эса шифохоналардаги минглаб бетоб ҳамюртларимизнинг қалтираётган вужудини эслатади, менга. Таяба биринчи марта ёмғирдан сўнг шундай ўйларга берилдим. Мана, ер юзига тун чўкди. Қоронғулик қайсидир бетоб юртдошимнинг кўнглидаги “наҳот мен ҳам шу дардага чалинган бўлсам” дея чекаётган мавҳум ўйларга ўхшайди. Лекин, мен кўрқмайман, зеро тонг яқин. Яна ёруғ тонг отажак, заррин офтоб чиқажак!

Сайёра ҚОДИРОВА.

oilavajamiyat@mail.ru

RAHIM BOBONING FALSAFASI

Дунёда шундай одамлар бўлади: уларнинг борлигини-да ҳеч ким пайқамайди. Бир четда ҳеч кимга халал бермай жимгина яшашадию жимгина ўтиб кетишади. Қишлоғимиздагилар Раҳим бобони ана шундайлар қаторига қўшишарди. То қазоси кунига қадар...

Раҳим бобонинг бутун умри трактор устида кечган, десак муболаға бўлмайди. Уни эслаганда, қишлоқдошларимиз кўз ўнгида баланд бўйи бироз букчайган, елкалари кенг, қалин қошлари кўзини тўсиб қўйган, қачон қарама, бошини эгиб, оҳиста қадам ташлаб юрадиган оғирқарвон одам гавдаланарди. Унинг бу тақдир кўриниши кишида "дунёни сув босса тўпигига чиқмайдиган" бепарво, беғам кимса тасавурини уйғотарди. Раҳим бобонинг кўзларини ҳам, овозини ҳам ҳеч ким аниқ таърифлай олмади. Чунки у ниҳоятда камгап бўлиб, бировга тик қарамаган.

Хуллас, Раҳим бобо оддий одам эди. Одатда, бундай одамлар эйтибордан ҳам четда бўладилар. Унинг кам эмас, нақд саксон йил умр кўрганани жанозаси кунни имом домладан эшитдик.

Одамнинг қандайлиги ўтганидан кейин билинаркан. Тўғриси айтсам, Раҳим бобонинг жанозасига шунча кўп одам келади, деб сира ўйламаган эдик. Шу кунни тўрт томондан ёғилиб келган ҳамдардларни биз қишлоқдошлари



туғул, ҳатто марҳумнинг яқинлари ҳам танишмас экан.

– Тўрт қишлоқ наридаги "Саройча"данмиз, – дейишди ўрта ёшлардаги икки киши. – Раҳим тоғанинг бизга обдон яхшилиги ўтган. Ўттиз йилча бурун янги иморат ростламоқчи бўлиб, ер олган эдик. Уша пайтлари ҳовли жойини баландлатиш фалон пул турарди. Лекин Раҳим тоға меникига қўшиб, акамнинг ҳам ҳовли жойини баландлатиб берди. Акам иккаламиз бор пулимизни тугунчага ўраб, минг бир андиша билан унинг кўлига тутқаздик, шароитимизни тушунтирдик. Шунда у жилмайбгина тугунчани ўзимизга қайтарди: "Мен розиман, ҳеч хижолат бўлмаган, бу пуллари иморатингизга ишлатинг", деди. Тўғриси айтсам, ўшанда иккимиз ҳам ҳайрон қолганмиз. Бундай диёнати кишиларни кечаси чироқ ёқиб ҳам топиш амримаҳол-да!

– Ҳа, раҳматлининг қалби дарёдек кенг эди, – дея суҳбатга қўшилди

“ Раҳим бобонинг бутун умри трактор устида кечган, десак муболаға бўлмайди. Уни эслаганда, қишлоқдошларимиз кўз ўнгида баланд бўйи бироз букчайган, елкалари кенг, қалин қошлари кўзини тўсиб қўйган, қачон қарама, бошини эгиб, оҳиста қадам ташлаб юрадиган оғирқарвон одам гавдаланарди. ”

меҳмонлардан яна бири. – Анча йил бирга ишлаганимиз. Бир гал ярим тунда ишдан қайтаётиб, тракторим билан катта ариқча ағанаб кетдим. Ўзим ўлмай қолдим лекин тракторимнинг абжағи чиқди. Эндигина ишга кирганман. Бу ёғда янги рўзгорим бор. Қўлим қалта. Бошлғимизнинг эса феъли расво. Бўлган ишдан хабар топса, ҳолимга вой. Шундай оғир пайтда Раҳим бобо жонимга оро кирган. Битта сигирини бериб юборган.

Уларнинг сўзларини эшитиб турган ҳамқишлоқларнинг хотираларида нимадир "ял" этгандек бўлди, виждонлари уйғонди. Ахир қишлоқда Раҳим бобонинг бу каби яхшилиги ўтмаган одамнинг ўзи борми? Унинг тракторининг гилдираги етмаган ҳовли-жойчи? Уй жойини текислашми, баландлатишми, ерларни ағдариб, шудгорлашми, ўтин ташишми, тўй-маъракаларда юк ташишми... ҳамма-ҳаммасини беминнат бажариб кетаверарди. Эвазига "раҳмат" ҳам сўрамаган. Бунга ўрганиб қолишгани учун миннатдорчилик билдириш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

"Бу дунёда ҳақиқий инсон мақомини олиш учун оламшумул иш қилишнинг ҳолати йўқ. Фақат атрофингдаги одамларга юракдан меҳр қўйиб, сева олишнинг ўзи кифоя. Меҳрингги, севгингги пинҳона тут. Уни олам-жаҳонга аюханос солиб, ошкор қилиш – миннатли ош каби зарарлидир". Раҳим бобонинг ҳаётий фалсафаси шундай эди. Эҳтимол, қошини тўсиб қўйган кўзларига боққанимизда, меҳр-муҳаббатга йўғрилган ана шу ҳаётий фалсафани вақтида уққан бўлармикимиз?!

Раҳим бобонинг ўлими қалб кўзимизни очгандек бўлди. Биз "Қандай яшаш керак?" деган азалий саволга унинг ҳаёти энг яхши жавоб эканлигини англагандек бўлдик.

**Ирода ОРИПОВА,
Бухоро вилояти.**

KO'NGILDAGI BITIKLAR

Юқорига чиқишни астойдил истаган одам нарвонни ўйлаб топган.

Ақл тарозисига ўлчаб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир.

Бир ниҳол унга соя бўлиб турган улкан дарахтни менсимай: "шу дарахтни кесиб ташлашса, эмин-эркин яйраб ўсардим", деб уйлар экан. Бир кунни кекса дарахтни кимдир арралаб кетибди. Сўнг жазирамада, ёмғир ва қорда, аёвсиз шамолда боши очик қолган ниҳол роса қийналибди, пушаймон бўлибди. Бирок, анча кеч бўлган эди...

Замонавий ёш оналар суҳбатидан: – Ўртоқ, яхшики телефон бор. Қўшиқ қўйиб берсам, зум ўтмай ухлаб қолади. – Нимасини айтасиз, келинжон, меники богчадан келди дегунча телефонга ёпишади. Тўполон қилмасин деб индамайман. Бемалол сериалларни кўриб оламан... яхшиям телефон бор. Сиз келажақ авлоднинг тарбияси қандай аёлларнинг қўлида қолаётганини тасаввур қилдингизми?

Тўйи яқин бўлган ҳар бир қизга қуйидаги бешта сеҳрли сўзни қулоғига қуйиш керак:
Ассалому алайкум
Хўп бўлади
Кечирасиз
Лаббай
Билмабман

Бир шогирд мен устозимдан зўрман, ҳозир буни исботлайман, бир тадбир билан устозимни мот қила оламан, деб мақтанибди. Ундан қандай қилиб, деб сўрашган экан, шогирд бир капалакни қўлимга оламан-да, "Устоз, кафтимда турган капалак тирикми, ўлик?", деб сўрайман. Агар у тирик, деса мен секин қўлимни сиқаман-да, капалакни

ўлдирман. Агар у ўлик деса, кафтимни очиб қўйиб юбораман, дебди. Донишманд устоз эса шогирднинг саволига "Болам, капалакнинг тирик ёки ўлиқлиги сенинг қўлингга-ку", дея бамайлихотир жавоб қилибди.

Демак, оиланинг тараққиёти ва таназзули ҳам эр-хотиннинг ўзига боғлиқ.

Кекса онахондан сўрашибди:
– Турмуш ўртоғингиздан неча марта калтак егансиз?

– Бирор марта ҳам менга қўл кўтармаганлар. Сабаби оддий: бизнинг вақтимизда от-уловда юришарди. Бир кун от-аравада кетаётган эдик, от бирдан қоқилди. Шунда хўжайим бир, дедилар, от салдан кейин яна силтаниб кетди, икки деди, бир оз юргач от яна қоқилди, эрим уч деди. Шу билан уйга қайтганимиз ҳамона отни шартта сўйдириб ташлади. Бир кун нимадир бўлдию хўжайим билан айтишиб қолдик, гап қайтариб юбордим. Турмуш ўртоғим бир дедию кўчага чиқиб кетдилар. Мен тезда хатойимни тушуниб етдим. Шу-шу эримга қайтиб гап қайтармадим. Мана, 50 йилки, калтак емай яшаб юрибмиз.

Бир аёлдан сўрашибди:
– Нега қўшиларингиз бўлар-бўлмасга туҳмат қилса, ҳақоратласа индамайсиз? Жавоб қайтармайсиз?

– Ахир одамзот ўзида борини тарқатади. Мен ҳам ўзимда борини бошқаларга улашаман, деб оқилона жавоб берган экан.

Йиғилишда оналар оёғи остида жаннат, аёл муқаддас дея маъруза ўқиган бир гуруҳ эркаклар, йиғин туғагач, уч-тўрт аёлни очик бекатда қолдириб машиналарига ўтирганча жўнаб қолишди. Тили ва дили бошқа-бошқа одамлар ҳам бисёр орамизда.

Наргиза ЮНУСОВА тайёрлади.

TOSHKENT SHAHRIDA XIZMATLAR SOHASI RIVOJLANISHI

Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодийнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натичада, 2020 йил январь-июнь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 37 111,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,1 фоизини ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатишмоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини оширишга таъсир қўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,4 фоиз ўсиб, 11 523,5 млрд. сўмни ташкил

этди (жами хизматлардаги улуши 31,1 фоизни ташкил қилади).

2020 йил январь-июнь ойларида транспорт хизматлари ҳажмини ошишига таъсир қилган омиллардан бири йўловчи ва юкларни ташиниш хизматлари бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.


Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (62,8 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкмасдан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшиккача" етказиб беришда қўлайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилашнинг алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ошишига таъсир қўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,6 фоиз ўсиб, 3 324,9 млрд. сўмни ташкил этди. (жами хизматлардаги улуши 9,0 фоизни ташкил қилади).

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Ахборот хизмати.

UNUTILMAS SOVG'A

Манзура хола қопнинг тагида қолган 3-4 кило картошкани ёнидаги шеригига берди-да, нарсаларини апил-тапил йиғиштира бошлади. Чунки бозор охирлаб, раста оралари анча сийраклашиб қолганди. Куз офтоби, бўёғи бир тутам кун бўлса, эртароқ бориб, далада қолган ҳосилни совуқ тушмай йиғиштириб олиши керак. Тонг сахарда кенжаси билан 6 қоп картошка олиб чиққанди. Бугун савдоси яши бўлди. Картошкани холи айтганидан ҳам юқори нархга сотиб, бозор ўчарлигини қилди-да, уйга қайтди. Бозор билан қишлоқ ораси икки чақирим йўл. Асфальт кўчада бир текис кетаётган от аравада Манзура хола ўз хаёллари билан банд эди.



бобо кампирини овутиб. — Бугун Бектемир ҳам ўқишдан келади. Бўз бола шаҳарда юриб тузукроқ овқатланармиди? Бир қулбола ош дамласанг, келин ҳам отасиникидан душанба куни қайтади. Ўғилларингга айт! Бозорликларини тайёрлаб қўйсин. Тонгда уйготаман, — дея намозга таҳорат олгани турди.

Манзура хола нуношга тайёрлади. Ўғиллари билан чоли айтганидай бозорликларни ҳозирлаб, ўзини уй ишлари билан қалғитди. Кун ярмидан ўтганда кўшниси Мухаббатхон чиқиб бугун кечга гаштак қилаётганини айтиб кетди. Яхшиямки, шу гап-гаштак бор. Маҳалладаги хотинлар ойда бир айланиб келадиган шу йиғинда, уёқ буёқдан гаплашиб, ҳасратлашиб кўнглидаги губорларни ёзишади. Бу галги гапнинг мавзуси янги чиққан мато ҳақида бўлди. Бугун суннат тўй, келин тўй ва бошқа маърака ва маросимларда қуда-андаликка қўйилаётган бу мато — виллур (хотинлар тилида айтганда "болгарка", айримлар уни "сўлқиллоқ" ҳам деб аташаркан) мода бўлган эмиш. Гаштакдаги хотинларнинг аксарияти эғинада шу матодан қўйлак кийиб олиштибди.

Айниқса, ён кўшниси чевар Санобархон мато ҳақида гапириб, ҳаммани оғизга қаратди. — Вой, айланайлар, бу болгарка дегани устингизда бор-йўқлиги ҳам билинмас экан, ингилгина, куёшга чиқишингиз билан товганини айтмайсизми, хузурли жон экан-да.

Орқа томондаги кўшни аёл Меҳринисо хола гапни илиб кетди. — Ҳа, нимасини айтасиз, қўшнижон.

Манзура хола қоғозга ўралган нарсани дераза тоқчасига қўяркан, ичидан бир нима сирпаниб тушди. Ё кудратингдан! Бу ўша — бозорда ҳаваси кетган мато эди. Дарҳол ёйиб кўрди, чамаси бир кийимлик. Чироқ нурида лов-лов товланаётган гулларини секин силаркан, анчадан бери орзу қилиб юрган нарсасини ўғли стипендиясидан харид қилганини билиб, ич-ичидан севинди. Кўзлари ёшланаркан, Яратганга минг бор шукрона айтди...

Сўлқиллоқ, деганича бор экан-да. Яқинда бешик тўйи қиламан, қудамга ҳам шу матодан буюртма бериб қўйдим, деди.

Аслида Манзура холанинг ҳам шу сўлқиллоқ матога кўнгли кетганди. Шу бир кийимлик матодан чеварга тиктириб кийишни анчадан бери дилига тугиб юрар эди. Бозор айланиб, ул-бул харид қилганда ҳам шу матога кўзи тушса, дарҳол сотувчидан нархини, неча метрдан қўйлак чиқишини, ювганда чўзилиб кетмайдими, ранги чиқмайдими, деб обдон суриштирар, ҳаваси кетганидан қадоқ қўллари билан билдирмайгина мато устидан секин меҳр билан силаб қўярди.

Минг лаънат сендай ҳаётга! Ҳаммасига шу турмуш сабаб. Шу тирикчилик ташвишларидан ариб энди эғинага қўйлак кияман деганда бир нарсачиқиб туради. Бир гал набираси касал бўлиб шифохонага тушса, бир гал иморатта нимадир керак бўлиб қолади. Бир ёқда ўғлининг шаҳарга қатнашига йўлқира керак. Хуллас, бир қўйлаққа етгунча

шунча муаммо, шунча ташвиш. Манзура хола кўшни аёллар шу матога ҳақида бири олиб, бири қўйиб гапирса ҳам юрагининг туб-тубида бир ўтинч бор эди. Ҳозирча шу оддий штапель қўйлақда юрса ҳам майли, нима қилиб бўлса ҳам, шу тўнғичининг иморатини битириб, бир хонасини сошлаб, кўчириб чиқарса, ўртанчаси ўқишини битириб, ишга жойлашса ҳали бу матоларнинг турли туманидан қўйлак қилиб кияди. Бош омон бўлса, дўппи топилар. Бахтига шу чоли ва фарзандлари соғ-саломат бўлса бас. Худого шукрки, бировдан кейин бўлса, бировдан олдин. Муҳими, соғлиғига путур етмаса бўлгани. Ўша куни гап қизигандан қизиди. Куз ҳавоси эмасми? Бирдан ёмғир шаррос кўя бошлади. Хотинлар эртанги юмушларини ўйлаб, уй-уйларига тарқалишди. Уйга кела келгунча Манзура холанинг уст-бошлари увиб кетди. Кийимларини ечиб илгичга иларкан, яна юраги сиқилди. Томни усти нима бўлади, энди? Бу кетишда янги пахсани киши билан ёққан қор, ёмғир ювиб кетади-ку! Чорасизликдан танг аҳволда қолиб, адоқсиз саволлар гирдобиди турган онанинг хаёлини беҳосдан жиринглаган телефон кўнгириғи бўлиб юборди.

— Ассалому алайкум ойижон, — гўшак ортидан келини Мастуранинг овози эшитилди. — Янши ўтирибсизларми? Дадам эртага бозорга сизгирани олиб чиқарканлар, уйларингни томини ёйиб оласизлар деяпти. Пулини бира тўла ўзим билан олиб борарканман, — деди хурсандчилигини яширолмади.

Манзура хола гўшакни қўяркан, елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. "Яратган эгам ўзингга шукр!" дея пичирлаб қўйди. Шу пайт ўртанчаси Бектемир шовшганча остонадан кириб келди.

— Ассалом алайкум ойи, яхши ўтирибсизми? — Намунча ҳаялдинг болам, — дея ўғлига пешвоз чиқди хола.

Бектемир бўлса эғинадаги сумкасидан қоғозга ўралган бир нарсани ойисига тутқазди.

— Стипендия беришини кутиб, кеч қолдим, — ойи. Йўл-йўлакай опамни-кига киргандим. Шунга бироз ушланиб қолдим. Ҳа, айтгандай опам айтдиларки, бешикни келгуси йил баҳорда олиб борсақ ҳам бўларкан. Қуда холам отанонг бу йил иморат соляпти, шароитини кўриб, билиб турибман дебдилар.

Манзура хола қоғозга ўралган нарсани дераза тоқчасига қўяркан, ичидан бир нима сирпаниб тушди. Ё кудратингдан! Бу ўша — бозорда ҳаваси кетган мато эди. Дарҳол ёйиб кўрди, чамаси бир кийимлик. Чироқ нурида лов-лов товланаётган гулларини секин силаркан, анчадан бери орзу қилиб юрган нарсасини ўғли стипендиясидан харид қилганини билиб, ич-ичидан севинди. Кўзлари ёшланаркан, Яратганга минг бор шукрона айтди...

Бектош ИСМОИЛОВ.

Эҳ, ҳе! Бу ҳаётнинг ташвишлари бунчалик кўп бўлмаса... Одамзод турмушининг шу иқир-чиқирлари деб умри қандай ўтиб кетганлигини ҳам сезмай қоларкан. Манзура хола ҳам кечагина сочлари тақимини ўладиган хушрўйгина келин эди. Умр йўлдоши Тоштемир ака билан янги иморат солиб чиққанида бир ўғил, бир қизли эдилар. Опа-уқанинг кетидан яна 7 фарзанд дунёга келди. Бугун шу бир этак фарзандларнинг олди етилиб қуда-андали бўлган, қолгани эса айни кияман, ўқийман деган ёшда эди.

Бу йил эрта баҳордан тўнғичи Эралига иморат бошлаганди. Ёзи бўйи усталарга ўғли билан келини чой, овқат ташиб нарчади. Энди иморатнинг томини бир амаллаб ёйиб олиши керак. Охириги пахсани уриб бўлишгандаёқ онаизорга ўй тушганди. Иморат солиш ҳам ўзимас, ҳозирги замонда. Бир ёқдан "муллажиринг" деганлари оқиб келиб турса-ку майлику-я! Чоли билан маслаҳатлашиб, эшигида соғиб ичиб турган охириги сизирини ҳам сотиб ёғоч, шифер олишди. Сувлар совимасдан томни лўмбоз қилишганди. Қуриб қақшаганига ҳам бир ойдан ошдики, усталардан дарак йўқ. Нега йиллаб йиққан бор буди том ёпишга келганда етмай қолаётганидан Манзура хола сиқилаётганди.

Далада бир гектардек помидорни устига маккажўхори ёйиб қўйибди. Уни ҳосилни сотиб берай деса, ўрни бор. Ўртанчаси институтнинг 2-курсига ўқийдиган Бектемирни контрактига тўлаши керак. Устига устак, Маҳфуза қизига бу йил бешик оборишини қудаларига ваъда қилиб қўйган. Иккинчи набираси ҳам 4 ёшдан ошди, яқинда 3-чи фарзанди туғилади. Уят ҳам бўлиб кетди, ахир. Шунча муаммога ечим топиш чол-кампирни ўйлантириб, тунлари уйку бермаётганди. Нима чора қилсаки, шу муаммоларни бартароф қилса.

— Қўй, сиқилма, онаси. Бир илоҳи топилиб қолар, — деди Тоштемир

Болаликда ҳар кимнинг ҳам ўз ҳикояси бўлади. Қалбининг туб-тубида яширган ўз сирини, ўз эртаги, ўз кўшиги бўлади. Мана, бугун болаликка қайтгим келди, энг бегубор қўшиқларим айтгим келди. Урта мактабни битирганимизга ҳам бу йил 30 йил бўлди. Ҳар 10 йилда синфдошлар мактабга йиғилиб, ҳовлида қолган илгаримизни излаймиз, болалик хотираларимизни эслаймиз.

Адашмасам, қиш ойлари эди. Атроф қор бўлмаса-да, изгиринли совуқ эди. Қанақадир тадбир бўлди-ю қишлоққа, туғилиб ўсган қишлоғимга бордим. Байрам санаси эди, чамаси. Ота

БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИМ...

уйимдан икки уй нарида турадиган дугонамни кўриб қолдим. Болалигимизда жуда яқин эдик. Кечалари бир-биримизникида ётиб, дарс тайёрлардик. Дарсдан сўнг ҳар куни учрашар эдик. Унинг отаси эса " мунча ҳар куни нимани гаплашасизлар, ҳар куни битта гапни қайта-қайта гаплашаврасизларми", дея ҳазиллашар эди. Биз кўрпанинг ичига кириб, нафасимиз нафасимизга теккудай шивирлашиб, сирлашар эдик. Онамиздан-да яширган сиримизни (би-

ринчи муҳаббатимизни) бир-биримизга айтиб берадик ва ҳеч кимга айтмасликка сўз берадик.

Гапларимиз сира тугамасди. Бугун эса бир-биримизга қараб тинмай кула-миз, худди гаплашишга сўз йўқдай...

30 йиллик хотиралар фақат хаёлимизда айланарди. Биз сўзсиз жим эдик. Эҳ-хе, айтишга осон бўлган бу йиллар ичиде қанча сувлар оқиб кетди. Кимлар келди, кимлар кетди...

" Умр оқар сув" дейдилар. "Қиз бола

палоҳмон тоши" деганларидай, шу йиллар ичиде бир-бирини кўрмаган дугоналаримиз ҳам, афсуски, йўқ эмас. Дугонам билан бу йил ёзда 30 йиллик учрашувимизда мактабга йиғилишимиз, мактаб кутубхонамизга эса бадийий китоблар соғга қилишимиз ҳақида келишиб олгандик.

Афсуски, бу сафар орзуйимиз амалга ошмади. Учрашув covid-19 пандемияси сабабли номаълум муддатга қолдирилди...

Ўғилой МАМАТҚУЛОВА,
Жиззах вилояти.

oilavajamiyat@mail.ru

Yozda shamollab qolmay desangiz...

Ёз фасли ўзгача мавсум, унда дам олиш, саёхатга отланиш, чўмилиш ва қуёшдан бахра олиш мумкин. Ёз тезда ўтиб кетади, шу сабаб ундан унумли фойдаланиб олиш керак. Аммо муздеккина салқинлаш ва яхдекичимликлар оқибатида шамоллаб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ёзни кўрпа-тўшақда аксириб ўтказмаслик учун нима қилиш керак?

ЁЗДА ШАМОЛЛАШ УЧУН БЕШ САБАБ

Кўпчилик шамоллашни совуқ мавсумга хос касаллик деб ўйлайди. Қишда шамоллашдан сақланиш учун турли чоралар кўришади, лекин ёзга келиб бу эҳтиёткорлик унутилади. Айрим ҳолатларда эса кўча жазирама бўлсада сизда тумов, йўтал, томоқ оғриғи кузатилиши мумкин. Бу эса ёз имкониятларидан фойдаланишингизга халал беради. Бунга йўл қўймаслик учун қуйидаги маслаҳатларимизга амал қилишингиз даркор.


КОНДИЦИОНЕР

У албатта ёзда одамларнинг жонига оро қиради. Жазирамада сизни салқинлайди. Аммо айнан кондиционер шамоллашнинг асосий манбаларидан биридир. Кўчадаги иссиқ ҳаводан дарҳол муздек хонага кириш, айниқса кондиционер қаршисига келиб ўтириш, елвизақда туриш организмдаги ҳароратни кескин ўзгаришига сабаб бўлиши ўзини куттирмай дарҳол шамоллашни келтириб чиқаради. Кондиционер нафақат оддий шамоллашга сабаб бўлади, балки вирусли касалликларга ҳам олиб келади. Ҳамиша совуқлаштириб бериладиган ҳаво куруқ бўлади. Бундай ҳаво эса бурун тешикларини куруқлашишига олиб келади. Бурунда намлик етишмаса микроб ва вирусларни ичкарига ўтказиб юборади. Қуруқшаган бурун орқали вируслар организмда тез ўрнашади.

Нима қилиш керак? Ёз бўйи кондиционерни ёқманг демоқчи эмасиз. Барибир жазирама-ларда у бизни лоҳасланишдан асрайди. Ёқиб, салқинланг, аммо меъёр билан. Хонадонда барча деразалар ёпиқлигига амин бўлинг. Шунда елвизак содир бўлмайди. Кондиционерни дарҳол ўта паст ҳароратга қўйманг. Шифокорлар оддий қоидага амал қилишни ўқитишади: хонадаги ҳарорат кўчадагидан 5-7 даража паст бўлса кифоя. Кўчага чиқшдан ярим соат олдин кондиционерни ўчириб сўнг ташқарига чиқинг, шунда организм кескин ўзгаришларга дуч келмайди. Шунингдек, кўчадан терлаб келиб қоқ кондиционерни ёқишга шошилманг. Тин олинг, кийимларни алмаштиринг, сўнгра ёқиш мумкин.

ОБ-ҲАВО ЎЗГАРИШИ

Ёз фаслида ҳам об-ҳаво инжиқликларига дуч келиш мумкин.



Эрталаб шабада бўлади, тушлиқда жазирама, қутилмаганда оқшом пайти ёмғир ёғиб юбориши мумкин. Кўпчилик ёз ёмғирини назарга илмай энгил кийинади, соябон олмайди. Айнан ҳаво ўзгариши тумовни келтириб чиқаради.

Нима қилиш керак? Эрталаб кўчага чиқшдан олдин об-ҳаво маълумотларини кўздан кечириши қанда қилманг. Албатта, ёмғир башорат қилинган кун соябон ва энгил жакет кўтариб чиқиш сизга ёқмайди, лекин шамоллашдан кўра бу юмуш анча энгилроқ. Ишхонада ҳам жавонингизда доим эҳтиёт шарт қўшимча қилинроқ кийим турсин. Ахир иқлим ўзгараётган бир пайтда ёзда дўл ёғиши ҳам ҳеч гап эмас.

НОТЎҒРИ ТАНЛАНГАН КИЙИМ

Агар сиз об-ҳавога қараб кийинмасангиз, шамоллаш сизни четлаб ўтмаслиги мумкин.

Ёз оқшомлари этни жунжиктириши ҳам мумкин, шу сабаб кечки сайр пайтида энгил либослар кийинг. Елкангизга энгил рўмол ташлаб олинг. Ёки қалин кийим билан транспортга чиқсангиз ва терлаб кетсангиз, улдовдан тушишингиз билан шабада тегиши билан шамоллаб қоласиз. Ёзда терлашдан сўнг совуқ тегишдан эҳтиёт бўлиш керак. Иссиқ ҳаводан машинага ўтиргач кондиционерни ёқиб олманг.

Нима қилиш керак? Ёзда шамолла-маслик учун табиий матодан тикилган либослар кийинг. Энг яхши мато бу зигирдан тикилган кийимлардир. Улар ҳозир урфга кирган. Кечки пайт шаҳарни сайр қилмоқчи бўлсангиз, ўзингиз билан энгил кийим олинг, уни футболка устидан кийиш мумкин бўлади, исиб кетганда ечиб қўйиш мумкин. Агар ҳаво бирдан ўзгарса, шамол ва ёмғирда туриб қолманг, дарҳол ёпик иншоотга кириб ҳаво меъёрлашишни кутинг. Хўл кийимларда қолиб кетманг, қўшимча кийим билан алмаштириб олинг.

СОВУҚ СУВДА ЧЎМИЛИШ

Ёзги иссиқдан сақланиш учун

кўпчилик очиқ сув ҳавзалари, бассейн, дарёларга боради. Агар сув жуда совуқ бўлса, оқибати шамоллаш билан ту-гаши мумкин. Тана иссиқ ҳароратдан дарҳол совуқ сувга тушса қон томир-лари қисқаради. Тана ҳарорати тезда совий бошлайди. Совуқ қотиш натижа-сида эса дам олишдан сўнг дорихонага боришингизга тўғри келади.

Нима қилиш керак? Кўл ёки бассейн-га тушишдан олдин унинг ҳароратини билиб олинг. Бу жуда оддий: қўлингизни сувга солинг, агар бир дақиқадан сўнг кўл сувга мослашса, увишмаса де-мак чўмилиш мумкин. Агар қўлингиз совуқдан сезиш ҳисларини йўқотаётган бўлса яхшии сув офтобда иллишини кутинг ёки бошқа илиқроқ жой танланг. Кун бўйи сувда чўмилиш ярамайди, офтобда тобланиш, сояда дам олишни ҳам унутманг.

МУЗДЕК ИЧИМЛИК ВА МУЗҚАЙМОҚ

Кўчада жазирамада юришга тўғри келган одам йўлида учраган дўконга кириб муздек ичимлик ёки музқаймоқ олиб ҳовурдан тушгиси келади. Муз солинган шарбат, морс, ях шаклидаги музқаймоқлар, албатта сизни дарҳол совутади, лекин исиб турган томоқ учун шокнинг ўзи. Натижа дарҳол ўзини кўрсатади: томоқ қизариб, ютиниш қийинлашади, оғриғи, овоз ўзгаради, ҳатто иситма кўтарилади. Агар томоқ безлари зарарланса ўзининг муҳим вазифасини бажаролмай қолади: оғиз орқали келадиган вирус ва бактери-яларни ичкарига ўтказиб юборади. Бундай пайтда, оддий шамоллаш деб эътиборсиз бўлмаслик керак. Томоқ оғриғи асоратлари билан хавфлидир.

Нима қилиш керак? Муздек ичим-ликларни меъёридан ортик ичманг, гарчи иссиқдан сақланиш учун энг яхши чора бўлсада. Музлаткичдан олинган сув, бунинг устига муз қўшилган бўлса, сизга иссиқда роҳат бағишлайдию, лекин томоқдан ташқари, ички орган-ларда шамоллаш пайдо қилиши ҳеч гап эмас. Фақатгина муздек сув чанқоқни қолдиради деб ўйласангиз адашасиз. Музлаткичдан сувни олиб қўйинг, хона ҳароратидаги сувни ичиш учун энг мақбул вариантдир. Шунда томоқ ҳам тинч бўлади, сиз ҳам. Музқаймоқ танла-ётганда яхдан иборат рангли турларини эмас, қаймоқлисини олинг. Уни ликопда бироз эритиб оз оздан танавул қилинг. Тишла ёйиш милкларга ҳам зарар.

ЁЗГИ ШАМОЛЛАШНИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАШ КЕРАК?

Шамоллашни қишдан кўра, ёзда даволаш қийинроқ. Иссиқда бемор лоҳас бўлади, иссиқ овқат тортмайди, ўраниб ётиш ноқулайлик туғдиради. Бундай пайтда қуйидаги маслаҳатларга риоя қилсангиз тез оёққа туриб кетасиз:



☞ Кўпроқ суюқлик ичинг. Шамоллашда энг аввало, организмга кўпроқ суюқлик керак бўлади. Улар токсин мод-даларни чиқаришда ёрдам бера-ди, касаллик пайти организмни холсизликдан сақлайди. Шар-бат, морс, оддий илиқ сув ичинг.

☞ Фойдали таомлар ва мевалар. Албат-та витаминларга бой неъматлар ёзда сероб бўлади. Кўпроқ табиий озуқалар истеъмол қилинг, иссиқ туфай-ли иштаҳа бўлмаса, мазали салатлар, мевали пюрелар ал-батта сизга ёқади.



☞ Хонада намлик ва тоза ҳаво бўлсин. Эрта-лаб барча деразаларни очиб хонани шамоллатинг. Уйни намлантириб артиб туринг. Чангдан сақланг.

☞ Уйда кондицио-нер бўлса уни 18-дан 24 даражада созланг. Совуқ қотиш ва исиб кетишдан сақланг. Ўраниб олманг, исит-ма ва иссиқ ҳарорат туфайли одам талвасага тушиши мумкин.



☞ Томоқни турли фойдали гиёҳлар ёр-дамида тез-тез чайиб туринг. Масалан, раъно-гул, қоқиўт, маврак, мойчечак, тузли сув ва бошқалар.



☞ Кўпроқ тоза ҳавога чиқиб сайр қилинг. Эрта тонгда ёки кеч-ки салқинда айланган маъқул. Туш вақтида жазирама-да юрманг.



☞ Кўпроқ дам олинг. Шамоллашни оёқда ўтказмаслик лозим. Айниқса, касал ҳолатда туш вақтида офтоб тигида ишлаш кучли бош оғриғини кел-тириб чиқаради.

НОДИРАБЕГИМ тайёрлади.

РЕКЛАМАЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ(МИ)?



Бугунги кун истеъмолчиси ўзи учун ҳар томонлама қулай, чўнтакбоп ва албатта, сифатли маҳсулот харид қилишни хоҳлайди. Шунинг учун талабдор харид қилаётган маҳсулотни ҳақиқат қардандир маълумот олиши, тасаввурга эга бўлиши керак. Ўз навбатида, бундай вазият учун рекламалар ёрдамга келади. Хўш, бугунги жамият қандай турдаги рекламаларни хоҳлайди?

Ўзи умуман рекламага эҳтиёж йўқми?! ТВ, радиотўлқинларида эфирга кетаётган рекламалар талабга жавоб берадими ёки интернет тизими рекламалар захираси билан биринчи ўринга чиққанми?! Келинг, таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан, сиз соч ювиш воситаси (шампун) харид қилдингиз. Сабаби телевидение орқали сеvimли сериалингизни ўртасида рекламаси кетадиган ушбу маҳсулот онгости хужайраларингизга шартли тарзда таъсир қилади. Сиз бозор оралаб, таниш маҳсулотингизга кўзингиз тушган, албатта харид қиласиз.

Бунда реклама агентлиги илк мақсадига эришади. Аммо хулосага шайланган. Чунки маҳсулот қай даражада: мақталган сифатлими ёки тескариси?! Маҳсулотни синаб кўргач истаимизми йўқми, унинг салбий ёки ижобий тарғиботчисига айланамиз. Қандай қилиб дейсизми? Оддий. Уйингизга узоқ қариндошингиз ёки дугонангиз келди. Сиз олган маҳсулотларга барибир эътибор қилади. Ёки ташаббус ўзингиздан чиқиши мумкин. Харид қилган нарсангизни макташ ёхуд сифатини ёмонлаш сизнинг танловингиз. Бу усул "Истеъмолчи истеъмолчи учун" тамойилига риоя қилади. Биргина бу

мисол билан айнан реклама фаолиятига дахлдор халқ орасидаги "сотувчилар" ҳақида озми кўпми тушунчага эга бўлди. Кейинги масала эса йиллар давомида долзарблигини йўқотгани йўқ. Муаммонинг тугуни бисёр. Аммо ечим яна моддий манфаатлар билан тўқнашаверади. Бутун дунё азият чекаётган вирус балоси бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шундай шароитда пандемия сабабли, карантинда уйларида қолаётган аҳоли ёшлар, болалар, хоҳлаймизми, йўқми, телевизор қаршисида, ижтимоий тармоқларда вақтини ўтказмоқда. Кўнгилочар дастурлар, фильмлар, мусиқали эшиттиришларни томоша қилаётганимизда рекламалар тўлқинига дучор бўламиз.

Телеканаллар сони кўпайиши билан талаб ва эҳтиёж кўрсаткичи рақобатга олиб келди. Рақобат ўз ўрнида маблағ захирасига бориб тақалади. Кўпгина телеканаллар эса реклама "бизнес"ини йўлга қўйиб олган. Ўзимиз бир неча марта гувоҳ бўлганмизки, бирор фильм ёки жиддийрок мавзуда эфирга узатилаётган дастурлар орасига 5, ҳатто 15 дақиқалик рекламалар қўйиб юборилади. Ҳозирда деярли барча телеканалларда урфга кирган турк сериаллари "эпидемия"си авж нуктада. 45 дақиқалик сериал доvimийлиги аслида, 20-25 дақиқадан иборат. Такрор-такрор сериал орасига юмалаб чиқаётган рекламалар асабингизга тегади. Гап келганда, отангни ҳам аяма дейишади. Ишонасизми, йўқми, уч-тўрт соатлаб телевизор қаршисига "михлаб" кўядиган сериаллар рекламалар билан яхшигина "бойитилиб" ярим тунгача эфирга кетади. Ачинарлиси, оила даврасида, ота-онамизнинг ёнида кўришга хижолат бўладиган рекламаларимиз кўпайиб кетганига нима дейсиз?! Авваллари мияни чарқлайдиган, мулоҳаза қиладиган кўрсатувлар: "Интеллектуал ринг", аёллар учун "Бегойим", "Қилни кирк ёриб...", "Ракурс" каби теледастурлар эфирга

Яқинда facebook ижтимоий тармоғида реклама тўғрисидаги бир изоҳ эътиборимни тортди. Изоҳ "Coca-cola" рекламаси ҳақида. Яъни шу реклама анонисида асосан, гўштли таомлар истеъмол қилинади, ичимлик эътироф этилади. Телевизор томоша қилаётган болакай эса, онасига шу рекламани кўрмаслиги, гўшт егиси келаётганини айтади. Табиийки, боланинг руҳий зарба олишига тақририй рекламанинг "ҳиссаси" катта.

узатиларди. Ва маълумот ўрнида у кўрсатувлар доvimийлигида реклама қўйилмас эди. Ҳозирги тв-дастурлари шов-шув ва "хайп"га шу даражада берилгани, асосий мақсаддан огишиб кетаётгандекмиз.

Рекламалар Қадимги Мисрда пайдо бўлган. Реклама атамаси лотинча "қичқирмоқ" маъносини англатади. У товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўрилган наф ҳақидаги ахборотлар. Реклама маркетингни таркибий қисми бўлиб, унинг асосий вазифаси харидорни қизиқтириш, мижозларни йўқотиб қўймастик ҳамда уларнинг сифини кенгайтириб боришга қаратилган.

Шундан келиб чиқиб, ТВда кузатилаётган рекламаларга танқидий ёндашишга мажбурмиз. Яқинда Facebook ижтимоий тармоғида реклама тўғрисидаги бир изоҳ эътиборимни тортди. Изоҳ "Coca-cola" рекламаси ҳақида. Яъни шу реклама анонисида асосан, гўштли таомлар истеъмол қилинади, ичимлик эътироф этилади. Телевизор томоша қилаётган болакай эса, онасига шу рекламани кўрмаслиги, гўшт егиси келаётганини айтади. Табиийки, боланинг руҳий зарба олишига тақририй рекламанинг "ҳиссаси" катта. Бу беш қўл баробар эмаслигидан дарак беради. Албатта, хорижий мамлакатлар маҳсулотлари рекламасида бизнинг ички руҳият ва тарбиямизга мос бўлмаган кадрлар учраб туради. Фақат маҳсулот сифати назоратини ошириб, маданиятимиз, миллийлигимиз қадрини тушириб юбормаялмизми?! Бу шунча-

ки қоғозда қоладиган гаплар эмас. Техника, қулайлик бизни шу қадар ўзига боғлагани, баъзан реклама роликларига тақлид қилишни хоҳлаб қоламиз. Баъзилар эса буни ҳам уддасидан чиққан.

Гапнинг сирасини айтганда, реклама агентликлари реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан қай даражада ҳисоблашишмоқда?! Телеканаллар фаолияти, интернет тизимидаги реклама ва эълонлар тўлқинини қайси ташкилот псайтиради?! Ким назорат қилади?! Фақат давлат ва тақридий йироқмиз. Аммо қалам тебратишга, озгина бўлса ҳам огоҳликка чорлаш масъул вазифамиздир. Миллий урф-одатларимиз, гўзал одобларимиз уйғунлигидаги рекламалар кадрларга муҳрланса ва четдан қираётган импорт маҳсулотлари учун рекламаларнинг сараланмагани эфир юзини кўрмасдан назоратга олинса, мақсадга мувофиқдир. Маҳсулот рекламаси учун фақат чиройли қомат ёки башанг кийим муҳим роль ўйнамак кўйди. Масалан, тарихга назар солсак, биринчи бўлиб, ноёб реклама услубини Николай Шустов исмли шахс ўзи йил олдин ўйлаб топган. У бир неча ёш йигитларни атайлаб коньяк сотадиган жойларга кириб, "Шустов коньяги"ни сўрашни илтимос қилади. Инкор жавобини эшитиб, улар шовқин кўтаришади. Бунинг натижасида "Шустов коньяги" машхурликка эришган. Ёки бўлмаса, турли фильмлар, видеолавлалар орқали актёрлар нутқида айтиладиган диалогларда рекламалар яширинган.

Рекламани эфирга узатиш ёки ишлаб чиқариш, маҳсулот даромадидан қимматга тушиши мумкин. Лекин барибир янги товар рекламага муҳтож бўлади. Бугунги жамият учун тезкор реклама ва қиммат бўлса-да, сифатли маҳсулот зарур. Шунинг учун онлайн харидлар савдоси оммалашган. Уйимизда ўтириб, бемалол эътибор бериш ҳизматида ҳам фойдалана оламиз. Афсуски, орамизда баъзида интернет харидини амалга ошириб, сохта товарларга алданиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Айнан реклама мавзуси ҳақида гап борар экан, унга тааллуқли бўлган соҳаларни қамраб олишга ҳаракат қилдик. Сузатувчан инсон бўлиш яхши. Аммо бевосита тақлид ёки ўта ишонувчанлик маънавиятимиз ва чўнтагимизга ҳам зарар.

Бир сўз билан айтганда, қалбларимизни китобга, илм-хунарга ошно қилишга етарлича вақтимиз бор. Ҳафсала бўлса бас. Карантинда туну кун телевизор кўриш, зерикарий рекламалардан энсамиз қотқандан кўра, олтин вақтларимиздан унумли фойдаланиб, юксалишни ўзимиздан бошлайлик. Зеро, шу ўринда машхур қизиқчининг гапи ёдимизга тушади: "Маза қилиб реклама кўраётган эдик, кино кўйворишди-я!" дегани каби, асалнинг ҳам ози ширин. Шундай экан, меъёр тарозисини тенг тутаёлик. Бу нафақат ўзимиз, балки жамият учун ҳам фойда.

Чўлпоной АҲМЕДОВА,
журналист.

Oila va Jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги,
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 836. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1265. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида тёрлрди ва саҳифалавди.

1 2 3 4 5